БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН ● № 211 (17.195). ● 14 сентябрь 1978 йил, пайшанба ● Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

⊙ Бу йилги улкан мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши ҳар бир бригада ва хўжаликда, ҳар бир район ва областда йиғим-терим суръатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам барча пайкалларда иш суръатини тобора кучайтирайлик.

⊙ Терилган ҳосилнинг тайёрлов пунктларига пешма-пеш топширилишини таъминлайлик.

⊙ Бу йил республикамиз пахта далаларидаги ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида териб олинишига эришиш учун зарур тадбирлардан бири—дефолиация ишларини кечиктирмайлик. Ҳамма жойда ер усти аппаратлари ва самолётларнинг юксак унум билан ишлаши учун курашайлик. Дала четлари ва самолётлар ишлаши ноқулай бўлган жойларни ер усти аппаратлари билан ишлаб, ғўза баргининг бир текис тўкилишини таъминлайлик.



АНДИЖОН. Комсомолобод районидаги «Дўстлик» совхози далаларида мўл пахта ҳосили етиштирилди. Хўжалик миришкорлари ўнинчи беш йилликнинг зардор йилида 1030 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олишган. Бу планда кўзда тутилганидан 5 центнер кўп демакдир.

Шу кунларда совхоз пахтазорларида терим агрегатлари унумли ишлатилмоқда. Жумақул Тўрақулов, Маъруфжон Тиллаев каби моҳир механизаторлар ўз агрегатлари билан мавсумда 250 тоннадан «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олишган. Улар ҳар куни 10-12 тоннадан пахта теришга эришаётирлар.

Суратларда: (юқорида) «Дўстлик» совхозининг илгор механизаторларидан Ж. Тўрақулов ва М. Тиллаев ўртоқлар. Пастда — хўжалик далаларида терим агрегатлари билан пахта терилаётир.

Ш. Алимов фотолари, (ЎзТАГ).

А. Н. КОСИГИН А. Б. ВАЖПАИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

12 сентябрь куни СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар министри А. Б. Важпанни қабул қилди.

Ҳар иккала томон СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги мавжуд дўстона, яхши қўшничилик муносабатларидан мамнуният изҳор этди. Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигини ҳамма соҳаларда, жумладан Ҳиндистон Бош министри М. Десаиннинг СССРга қилган визити вақтида эришилган аҳдномаларни рўёбга чиқариш ишида мустаҳкам ва ўзаро манфаатдорлик асосида янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга иккала томоннинг интилаётгани қайд этилди.

Актуал халқаро проблемаларни муҳокама қилиш вақтида халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш, ҳарбий кескинликнинг мавжуд манбаларини тугатиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилди. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Осиё қитъасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга биргаликда интилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат дўстона, самимий вазиятда ўтди.

(ТАСС).

А. Н. Косигин Карелия АССРга жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 13 сентябрь куни Москвадан Карелия АССРга Финляндия Республикасининг Президенти У. К. Кекконен билан учрашиш учун жўнаб кетди. У. К. Кекконен СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан дўстона норасмий визит билан Совет Иттифоқига келмоқда.

А. Н. Косигин ва У. К. Кекконен Финляндия фирмалари билан ҳамкорликда қурилаётган Костомуш комбинат комбинати пойдеворига тош қўйиш тантанали маросимида иштирок этадилар.

Аэродромда А. Н. Косигинни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Петрозаводскда А. Н. Косигинни КПСС Карелия область комитетининг биринчи секретари И. И. Сенькин, Карелия АССР Министрлар Советининг Раиси А. А. Кочетов, КПСС область комитети бюросининг аъзолари ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

АСОСИЙ ФОНДЛАР САМАРАДОРЛИГИ

Самарадорлик ва сифат учун кураш Ватанимизнинг бугунги кунига хос энг муҳим белгилардан биридир. Бу — вақтинчалик кампания эмас, бу, партиямизнинг жиддий равишда олисни кўзлаб бошлаган йўлидир. Бу — шу беш йилликнинг энг асосий вазифасигна бўлиб қолмай, шу билан бирга иқтисодий ва социал ривожланишимизнинг келгусидаги кўп йилларга мўлжалланган белгиловчи омили ҳамдир. Айтиш мумкинки, бу — совет кишиларининг бутун бир авлодини тарбиялаш программасидир.

Мамлакатимизда ғоят кўп табиий бойликлар бор. Бизда нечанеча авлодларнинг куч-ғайрати билан халқ хўжалигининг турли тармоқларида қудратли иқтисодий потенциал вужудга келтирилган. Ана шу беқиёс қудратли иқтисодий потенциалдан муваффақиятли фойдалана оладиган юксак малакали мутахассис кадрлар ҳам етишиб чиқдики, улар вужудга келтирилган умумий бойликдан, ресурслардан омилкорлик билан, ишнинг нўзини билиб фойдаланишда катта роль ўйнамоқдалар. Партия ҳамиша мавжуд ресурслардан, ҳозир ишлаб турган асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб келмоқда. «Ҳозир ишлаб турган асбоб-ускуналардан, барпо этиб қўйилган қувватлардан тўла-тўкис фойдаланишга кўпроқ эўр беришни муҳим деб ҳисоблаймиз, деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездига қилган Ҳисобот докладида. — Шунинг ўзи халқ хўжалигини интенсивлаш йўлидир».

Партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтараётган республикамиз саноатининг ишчи ва мутахассислари асосий фондлардан, мавжуд ресурслардан имкони борича кўпроқ фойда чиқариб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар, мавжуд ускуналарни, ресурсларни ҳалққа яхшироқ хизмат қилдириш тадбирларини кўрмоқдалар. Ўзбекистоннинг иқтисодий потенциали йилдан-йилга тараққий этиб бормоқда. Ҳозирги вақтда асосий ишлаб чиқариш фондлари қариб 30 миллиард сўмлигини ташкил этади. Ўнинчи беш йилликда республика халқ хўжалиги янада тез суръатлар билан ривожланади. Кейинги икки йил ичида асосий ишлаб чиқариш фондлари салкам 18 процент ортди. Бу йил эса улар сафига 4,5 миллиард сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари қўшилади.

1978 йил республика иқтисодий ва социал ривожланиш планида халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш кўзда тутилган. Тошкент ГРЭСи ишга тушганидан буён 100 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилди. Сирдарё ГРЭСида яна бир улкан агрегат фойдаланишга топширилади. Навоий ва Фарғонадаги иссиқлик электр станцияларида янги қувватлар ишга тушади. Энергетикамиз ва техника тараққиётини белгилаб берувчи асосий тармоқлар тез ривожланмоқда. Бекобод электрда пўлат эритиш комплексининг дастлабки навбати ишга туширилиши билан республикада пўлатнинг ноёб турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида рангли металлар ишлаб чиқариш тагин ҳам ортади. Машинасозликда, енгил, озиқ-овқат саноатида ҳам янгидан бир қанча қувватлар ишга туширилади. Халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, буюмлар сифатини яхшилашга имкон берадиган ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилади.

Булар — асосий ишлаб чиқариш фондлари — КПСС XXV съездининг тарихий қарорларида таъкидлаб ўтилганидек, — совет кишиларининг турмуш даражасини ва мамлакат экономикасини юксалтиришга имкон берадиган моддий бойлигимиздир. Бир қанча корхоналар асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш соҳасида бой тажриба тўпладилар. «Ташсельмаш» ва Тошкент трактор заводлари, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби қатор йирик корхоналарнинг ишчи ва мутахассислари асосий фондлардан ишнинг нўзини билиб муваффақиятли фойдаланмоқдалар.

Республика халқ хўжалиги ана шу йўлдан бормоқда. Саноат маҳсулоти реализация қилиш санниз ойлик планн 2,6 процент ортиғи билан ado этилганлиги бунинг яққол ифодасидир. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,4 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 3 процент ортди. Меҳнат унумдорлигининг ортиши саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг кўпайишига катта ҳисса қўшди.

Шуни таъкидлаш керакки, моддий ресурслардан, асосий ишлаб чиқариш фондларидан ҳамон тўла фойдаланилаётгани йўқ. Машина-ускуналар, станок ва қурилмаларнинг бекор туришига, уларнинг смена коэффициенти пасайиб кетишига йўл қўйётган, самарадорлик учун курашда актив фаолият кўрсатмаётган корхоналар йўқ эмас. Ишга туширилган янги қувватларнинг суст ўзлаштирилиши оқибатида халқ хўжалиги зарар кўрмоқда. Худди шу важдан республика миллионлаб сўмлик маҳсулотни кам ишлаб чиқармоқда. Биргина Қўқон хром чарм заводининг ўзи кейинги ойларда пойафзал саноатидан 20 минг квадрат дециметр хом ашё қарздор бўлиб қолди. Завод уч йил аввал фойдаланишга топширилган, замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлишига қарамай, ҳамон лойиҳадаги қувват даражасига етказилмаган. Самарқанд чинни буюмлар заводи ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Қибрай пиво ва спиртсиз ичимликлар комбинати, Навоий цемент заводи ишчилари ва мутахассислари корхона асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш учун астойдил кураш олиб боришлари керак.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари сифат ва самарадорлик учун кураш масалалари таҳлил қилинаётганда корхоналарда асосий фондлардан қандай фойдаланилаётганлигига алоҳида эътибор беришлари, социалистик мусобақа ғолибларини аниқлашда буни албатта ҳисобга олишлари керак. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш партиямиз иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Чунки моддий бойликлардан, яратиб қўйилган ресурслардан самарали фойдаланиш совет кишилари моддий турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

Вазифа — ички резерварни ишга солиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, корхоналарнинг лойиҳадаги қувват даражасида ишлашини таъминлашдан, қолоқ корхоналарни илғорлар даражасига кўтаришдан, ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида тартиб ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаб боришдан иборат. Асосий фондлар самарадорлигини ошириш — ўнинчи беш йилликнинг бош масалаларидан бири. КПСС XXV съездида ана шундай деб таъкидланди. Бу вазифанинг муваффақиятли ado этилиши жойларда асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишга қаратилган техникавий тадбирлар билан бир қаторда, ишчи ва инженер-техник ходимлар ўртасида олиб бориладиган партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишлар савиясининг ҳам нечоғли юксак даражада бўлишига ҳар томонлама боғлиқдир.

ПАХТА ШТАБИ

ТЕЛЕФОНЛАР: 337343 • 337604

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Чуст районидаги «Коммунизм» совхозидан Д. Раҳмонов бошлиқ бригада давлатга пахта сотиш планини Наманган областида биринчи бўлиб бажарди. 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олинди. Ҳозир коллектив мажбурият ҳисобига пахта сота бошлади. Гектар ҳосилдорлигини 35 центнерга етказишга аҳд қилинди.

УРУҒЛИК ПАХТА КАРВОНИ

Олтинкўл районидаги Калинин номли колхоз меҳнат аҳли ҳам енг шимариб теримга тушди. Бу йирик хўжалик йигирма икки йилдан буён уруғлик пахта етиштириб келади.

Колхоз пахтакорлари бу йил 1120 гектар майдонда «Тошкент-1» навли пахта етиштирдилар. Ёзда фидокорона меҳнат қилган пахтакорлар КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларига жавобан пландаги 4 минг тонна ўрнига 4400 тонна «оқ олтин» топширамиз, дейишяпти.

Андижон области бўйича бу йил 100 минг тонна уруғлик пахта тайёрланади. Дастлабки карвонлар пахта тозалаш заводлари томон йўл олди.

А. ҚУРОНБОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

5.700.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида шу йил 13 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун—мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида).

Бухоро	1,58	10,90
Фарғона	1,46	8,85
Сурхондарё	1,11	6,77
Андижон	0,84	5,10
Қашқадарё	0,82	4,80
Наманган	1,00	4,13
Тошкент	0,08	0,32
Сирдарё	0,03	0,10
Самарқанд	0,05	0,05
ҚҚАССР	—	—
Жиззах	—	—
Хоразм	—	—
Республика бўйича:	0,66	3,91
Шу жумладан кнгичка толали пахта		
Бухоро	1,72	7,56
Наманган	0,33	4,00
Сурхондарё	0,78	2,85
Қашқадарё	0,24	0,91
Республика бўйича:	0,79	2,76

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республика областларида ғўза дефолиациясининг борши ҳақида шу йил 13 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	8,4	100,3
Жиззах	9,9	77,7
Наманган	10,0	75,9
Сирдарё	11,1	66,8
Қашқадарё	9,1	63,6
Бухоро	8,6	48,7
Андижон	10,2	48,0
Сурхондарё	5,8	38,6
Фарғона	5,1	27,2
Самарқанд	3,4	8,3
ҚҚАССР	—	—
Хоразм	—	—
Республика бўйича	6,9	46,4



АФРИКА ВА АРАБ ХАЛҚЛАРИНИНГ ИМПЕРИАЛИЗМГА ВА РЕАКЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИ БИЛАН БИРДАМЛИК ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

Африка ва араб халқларининг империализм ва реакцияга қарши кураши билан бирдамлик халқаро конференцияси қатнашчиларини самимий табриклайман.

Сизнинг конференциянгиз социалистик Эфиопия пойтахти Аддис-Абеба шаҳрида ўтмоқда. Социалистик Эфиопия халқи комил ишонч билан туб социал-иқтисодий ўзгаришлар йўлидан бормоқда, ўзининг революцион ғалабаларини, мамлакатнинг суверенитети, бирлиги ва территориал бутунлигини ҳимоя қилиш учун мардона кураш олиб бормоқда.

Конференция Африка ва араб халқлари ўз қаётий манфаатлари ва миллий ҳуқуқлари учун, империализмга ва янги мустамлакачиликка, реакцияга, иқчилик ва сионизмга қарши биргаликда кураш олиб боришга интилаётганлигини яққол тасдиқловчи янги далилдир.

Совет Иттифоқи уларнинг ҳаққоний интилишларини ҳамиша ва изчиллик билан ёқлаб чиқмоқда. Бизнинг мамлакатимиз халқларнинг ялпи тинчлиги ва хавфсизлиги учун, халқаро кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш учун, ривожланаётган мамлакатларнинг сиёсий мустақиллиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, халқаро иқтисодий муносабатларни адолатли, тенг ҳуқуқли асосда қайта қуриш учун олиб борилаётган курашни астойдил қўллаб-қувватламоқда. Биз реакция ва империализмнинг Африка ва араб халқлари ишларига аралашувини, бу халқларни ўзаро тўқнаштириш ва улар ўртасида можароларни авж олдириш йўлидаги уринишларини кескин қоралаймиз.

Совет халқи Африканинг жанубида иқчилик ва мустамлакачиликнинг сўнгги ўчоқларини тугатишни изчил ёқлаб чиқмоқда, бутун ҳокимиятни Зимбабве халқининг ватанпарварлар фронтига топширишни. Жанубий Африка Республикасининг қуролли кучларини Намибиядан олиб чиқиб кетишни ва бу мамлакатга чиқарилган мустақиллик берилишини. Жанубий Африка Республикасида апартеид системасининг тугатилишини талаб этмоқда. Совет халқи Фалластин араб халқининг ва бошқа араб халқларининг Исроил агрессив экспансиячилик сиёсатига қарши, халқаро ва маҳаллий реакция кучларининг кирдикорларига қарши, Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатиш учун олиб бораётган марлона кураши билан астойдил бирдам эканлигини изҳор қилади.

Ана шу олижаноб мақсадларни амалга ошириш жаҳондаги барча халқларнинг халқаро кескинликни юмшатиш ва Ер юзида мустаҳкам тинчлик учун олиб бораётган курашига қўшилган салмоқли ҳисса бўлади.

Конференциянгизнинг ишига муваффақият тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи ўртасидаги музокаралар 13 сентябрь куни давом эттирилди.

Бир қанча актуал халқаро проблемалар юзасидан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳида фикрлашиб олинди. Қуролланиш пойгасини тўхатиш ва қуролсизланиш проблемасига катта эътибор берилди.

* * *

Шу куни А. Б. Важпаи А. А. Громико шарафига нонушта зиёфат берди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида А. Б. Важпаи билан А. А. Громико қадаҳ кўтариб нутқ сўзладилар. (ТАСС).

М. С. СОЛОМЕНЦЕВНИНГ ОЛТОЙДА БЎЛИШИ

БАРНАУЛ. 13 сентябрь. (ТАСС мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев 11 сентябрдан 13 сентябргача Олтой ўлкасида бўлди.

Ў ўлка марказидаги янги қурилишларни, бир қанча колхозлар, совхозлар ва ғалла маҳсулотлари корхоналарини бориб кўрди, ҳосил ўрим-йиғими ва давлатга дон сотиш қандай бораётганлиги билан танишди. М. С. Соломенцев ғаллакорлар ва мутахассислар билан, партия ходимлари билан, колхозлар, совхозлар ва ғалла маҳсулотлари корхоналарининг раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Ўлка партия комитетида партия, совет ва хўжалик активининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда ўртоқ М. С. Соломенцев нутқ сўзлади.

«САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-31»:

Ер суратга олинмоқда

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 13 сентябрь. (ТАСС). Владимир Ковалёнок билан Александр Иванченков ер атрофи орбитасида ишлаётганлигига 13 ҳафта тўлади.

«Салют-6» — «Союз-31» илмий-тадқиқот комплексининг экипажи Ер юзи ва жаҳон океани акваториясини фан ва халқ хўжалиги турли тармоқларининг манфаатларини кўзлаб суратга олишни давом эттирмоқда.

Жумладан, космонавтлар Қозогистон, Урта Осиё, Сибирь, Забайкалье, Узоқ Шарқ, СССР территориясининг Европа қисми, Каспий денгизининг айрим районларини фотосуратга олдилар.

Экипаж бугунги кун давомида велоэргометр ва югуриш йўлаксида жисмоний машқлар билан ҳам шуғулланмоқда, биологик эксперименталр программасига мувофиқ белгиланган операцияларни бажармоқда.

Телеметрик ахборот маълумотларига ва космонавтларнинг докладларига кўра, «Салют-6» станцияси билан «Союз-31» кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда. Комплекс хоналаридаги микроиқлим параметрлари қуйидагича: ҳарорат Цельсий бўйича 22 градус, босим-симоб устунининг 790 миллиметрига тенг.

Владимир Ковалёнок билан Александр Иванченков ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Орбитада тадқиқотлар ва эксперименталр программаси муваффақиятли бажарилмоқда.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ СЕССИЯСИГА

БМТ Бош Ассамблеясининг XXXIII сессияси 19 сентябрь куни очилиши муносабати билан СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бошчилигидаги СССР делегациясини тасдиқлади.

Украина ССР Министрлар Совети республика ташқи ишлар министри Г. Г. Шевель бошчилигидаги УССР делегациясини тасдиқлади.

Белоруссия ССР Министрлар Совети республика ташқи ишлар министри А. Е. Гуринович бошчилигидаги БССР делегациясини тасдиқлади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ СОСТАВИДА МУБОРАК РАЙОНИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиб ва халқ хўжалигига раҳбарликни янада кучайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Халқ депутатлари Қашқадарё область Совети ижроия комитетининг маркази Муборак шаҳрида бўлган Муборак районини тузиш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

Муборак шаҳри. Косон районидан Олачабоб, Қорақум, Муборак, Чорвадор, Ульянов районидан Чўлобод ва Усмон Юсупов районидан Помуқ қишлоқларининг территориялари Муборак райони составига берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил, 13 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ДЕНГИЗДАН ТОМЧИ ЭМАС

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ХИЗМАТ ВА БУРЧ

Мирзачўл билан Зарафшон водийси чегарасида саксон ёшли Ҳамроқул ота Носиров яшайди. Ота-бобоси пахтакор ўтган, ўзи жазирама Ўрта Осиё сахросини бўйсундирганлардан бири, у қариб ярим асрдан буён бу ердаги Москва номли колхозга бошчилик қилиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши борасида катта тажрибакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони олтин юлдузларини олишга сазовор бўлган. Мен Носиров билан бир неча марта учрашганман. Шу учрашувлардан бирида у менга бундай деб қолди:

— Ҳар биримиз халқнинг бир зарраси эканлигимизни эсда тутишимиз керак. Буни эсдан чиқариш — ўзини йўқотиш — умрни беҳуда ўтказиш билан баробар!

Оқсоқолнинг бу сўзлари қуйидаги мана бу воқеа муносабати билан эсимга тушиб қолди. Хива районида К. Раҳмонов бирмунча вақт район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган эди. Ўзи шу ерда туғилиб, шу ерда ўқиган, комсомол, коммунист бўлган. Сергайрат, ҳушмуомала бу киши бора-бора масъулиятли лавозимларга кўтарилди. Ҳар янги лавозимга кўтарилган сари ўз кучига янада катта ишонч ҳосил қилди, ишга ғайрат билан киришарди. Шунинг учун ҳам одамлар унга эътиқод қўйиб қолишди. Район экономикаси тобора мустаҳкамланиб, бу ердаги асосий қишлоқ хўжалик экини бўлган пахта ҳосили ошиб борди. Маҳаллий деҳқонлар бутун республикага донг таратдилар.

Табиийки, бундай яхши гаплар хиваликларнинг партиявий раҳнамоси ҳақида ҳам айтила бошлади. Хўжалик ютуқлари доим унинг номи билан боғланадиган бўлди. Шундай кезларда у ўзар сафар мамнун бўлиб бош иргаб, очиқдан-очиқ лаганбардорларнинг гапларини тўхтатмас эди. Кишиларнинг шундоққина кўз ўнгида бу одам ўзгара бошлади. Кейинчалик унинг ўзи пахтакорларнинг ҳамма хизматларини ўз шахсий қобилиятлари билан боғлайдиган, ўзини алоҳида роль ўйнаётган қилиб кўрсатадиган, ишдаги ўртоқларнинг, район коммунистларининг фикрларига қулоқ солмайдиган бўлиб қолди. Маълумки, лаганбардорларга эса ҳудди шу керак... Секретарнинг боши айланиб қолди. Меҳрибон ва сезгир, одамларнинг яхши кунларига ҳам, ёмон кунларига ҳам баб-баравар шерик бўлиб юрган киши аста-секин ўзини ҳаммадан устун қўядиган, димоқдор амалдорга айланиб кетди. Кейин ўз атрофига юлғичларни тўплаб, уларнинг ёрдамида халқ мулкини талон-торож қила бошлади.

У кимнинг орасидан чиққанини ва кимга хизмат қилаётганини эсдан чиқариб қўйди. Натижада оқибати ҳунук бўлди. Одамлар унга ишонмай қўйишди. Халқнинг бир зарраси чангга айланди.

Ўзбекистонда ўзининг бутун ишлаётган ва ишончли ишончли оқлаётган, хўжалик, маданий ва социал жараёнларга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилаётган жуда кўп секретарлар ва бошқа партия комитетлари ходимлари меҳнат қиладилар. Уларнинг обрўси барқарор, ҳурматлари ҳам жойида. Уларнинг қайси бири ҳақида ҳикоя қилсак. Раҳмонов ишларни барбод этгандан кейин Хива коммунистларига бошчилик қилаётган М. Маткаримов ҳақидами, ёки Тўрақўрғон районининг биринчи секретари М. Бобохонов ва Қува район партия комитетининг биринчи секретари М. Шербўтаев ҳақидами? Ёки Китоб райкомининг собиқ секретари, эндиликда Бухоро область партия комитетининг биринчи секретарлигига сайланган А. Каримов тўғрисидами? Улар қаерда ишламасин, муваффақиятлар ҳамроҳ бўлмоқда... Ромитан районида мана бундай ҳодисани эшитган эдим. Кекса бир деҳқон бир қоп буғдойни торттириш учун тегирмонга олиб кетаётган экан. Йўлда қопни аравадан тушириб юбориб, уни кўтара олмай қолди. Арава ёнидан бир неча автомобиль гизиллаб ўтиб кетаверган, лекин машина эгаларидан биронтаси ҳам қарияни кўрмагандек ўтиб кетаверган. Ниҳоят бир енгил машина келиб тўхтади. Ундан новчадан келган, сочларига оқ оралаган бир киши тушиб, қария билан саломлашди:

— Қаердан келяпсиз, отахон, йўл бўлсин?

— Янгибозордан, тегирмонга кетяпман.

— Ўз қишлоғингизда тегирмон бор-ку.

— Бор-у, лекин бузилиб қолди.

Енгил машинадан тушиб келган киши қария билан биргалашиб, қопни аравага ортди. Кечқурун улар яна учрашишди. Лекин бу учрашув Янгибозорда бўлди. Қишлоққа меҳмон бўлиб келган киши район партия комитетининг биринчи секретари Э. Раҳимбердиев экан. У қишлоқ аҳолисидан уларнинг аҳволи, нима нарсаларга муҳтож эканликларини батафсил сўраб билди, тегирмон нима учун бузилиб қолганлигини, уни нега ремонт қилишмаётганини аниқлади. Эртаси куниёқ тегирмон ишлаб кетди.

Бу шунчаки оддий воқеага ўхшайди. Лекин районда бу воқеани ҳамон эслаб, афсона сингари ҳикоя қилиб юришади. К. Раҳимбердиев ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам, ҳар қандай соатда ҳам одамларни қабул қила олар, улардан меҳр-шафқатини аямасди.

Унинг муносиб шогирди, шу райкомда инструкторликдан секретарликкача бўлган ҳамма босқичларни ўтган Я. Новрўзов ҳам Раҳимбердиевнинг муносиб вориси бўлди, кейин уни район партия комитетининг биринчи секретарлигига сайлашди.

Баъзи кишиларнинг нуқтаи назаридан Новрўзов ёши ўтган сайин ўзини анча босиб олиши, кабинетида ўтириб, жойидан қўзғалмай раҳбарлик қилавериши керак эди. Чунки у райондаги ҳар бир одамни, ҳар бир ариқни яхши билади. Лекин мен уни ҳеч қачон ўз кабинетида кўрган эмасман. Уни шу жойдан тополган эмасман. Район бўйича кетма-кет қуриб, роса чарчаган вақтларим кўп бўлган. Одамлар: секретаримиз ху анави чинор тагида суҳбатлашиб ўтиришди, лекция ўқияпти, деб кўрсатиб қўйишмагунча кўп излаганман. Излаб топганимда эса, ана шунақа, оқшом тушиб қоларди.

Шу йилнинг январь ойида журналистлик хизмати билан самолётда Москвага учиб кейин Хива коммунистларига бошчилик қилаётган М. Маткаримов ҳақидами, ёки Тўрақўрғон районининг биринчи секретари М. Бобохонов ва Қува район партия комитетининг биринчи секретари М. Шербўтаев ҳақидами? Ёки Китоб райкомининг собиқ секретари, эндиликда Бухоро область партия комитетининг биринчи секретарлигига сайланган А. Каримов тўғрисидами? Улар қаерда ишламасин, муваффақиятлар ҳамроҳ бўлмоқда... Ромитан районида мана бундай ҳодисани эшитган эдим. Кекса бир деҳқон бир қоп буғдойни торттириш учун тегирмонга олиб кетаётган экан. Йўлда қопни аравадан тушириб юбориб, уни кўтара олмай қолди. Арава ёнидан бир неча автомобиль гизиллаб ўтиб кетаверган, лекин машина эгаларидан биронтаси ҳам қарияни кўрмагандек ўтиб кетаверган. Ниҳоят бир енгил машина келиб тўхтади. Ундан новчадан келган, сочларига оқ оралаган бир киши тушиб, қария билан саломлашди:

— Қаердан келяпсиз, отахон, йўл бўлсин?

— Янгибозордан, тегирмонга кетяпман.

— Ўз қишлоғингизда тегирмон бор-ку.

— Бор-у, лекин бузилиб қолди.

Енгил машинадан тушиб келган киши қария билан биргалашиб, қопни аравага ортди. Кечқурун улар яна учрашишди. Лекин бу учрашув Янгибозорда бўлди. Қишлоққа меҳмон бўлиб келган киши район партия комитетининг биринчи секретари Э. Раҳимбердиев экан. У қишлоқ аҳолисидан уларнинг аҳволи, нима нарсаларга муҳтож эканликларини батафсил сўраб билди, тегирмон нима учун бузилиб қолганлигини, уни нега ремонт қилишмаётганини аниқлади. Эртаси куниёқ тегирмон ишлаб кетди.

Бу шунчаки оддий воқеага ўхшайди. Лекин районда бу воқеани ҳамон эслаб, афсона сингари ҳикоя қилиб юришади. К. Раҳимбердиев ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам, ҳар қандай соатда ҳам одамларни қабул қила олар, улардан меҳр-шафқатини аямасди.

Унинг муносиб шогирди, шу райкомда инструкторликдан секретарликкача бўлган ҳамма босқичларни ўтган Я. Новрўзов ҳам Раҳимбердиевнинг муносиб вориси бўлди, кейин уни район партия комитетининг биринчи секретарлигига сайлашди.

Ўша секретарнинг оти ким экан? — деб қизиқсиндим. Одамлар бир-бирларига қарашиб, бир неча фамилияни айтишди-ю, лекин топишолмади. Ана шунақа: илгаридан бўлган воқеаларни эслашади-ю, унинг асосий «қаҳрамон»ини бутунлай ёддан чиқариб юборишади.

Ҳа, халқ хотираси аёвсиз. Томчи денгизда йўқ бўлиб кетди...

Ленинча турмуш принципларига риоя қилмайдиган кишиларнинг устидан партиявий ўртоқларнинг суди ана шунақа қаттиққўл, юз-хотир қилмайдиган бўлади. Лекин бу қаттиққўллик ўч олиш эмас, балки хирургия операциясидир. Агар ходимни ахлоқий касалликдан омон сақлаб қолмоқчи бўлсангиз, ана шундай операция қилиш лозим бўлади. Яқинда «Правда»да эълон қилинган «Амбиция устун келганда» сарлавҳали мақолада худди шу ҳақда, Олтиариқ район партия комитетининг биринчи секретари М. Султоновнинг ана шундай яроқсиз иш услуби тўғрисида гап кетди. Мақола чиққанидан кейин орадан кўп ўтмай, шу муносабат билан редакцияга Денов район партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Шарофиддиновнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳам сигналлар кела бошлади. У одамлар билан ҳисоблашмай қўйган, раҳбарликнинг ўз иродасига бўйсундириш усулларини ўрнатиб, оммадан ажралиб қолди, район газетаси муҳарририга танқидий материалларни босишни ман этган. Шунинг учун ҳам райондаги ишлар орқага кетган.

Ниҳоят, Сурхондарё область партия комитети Шарофиддиновни унинг лавозимидан бўшатди. Агар шундан кейин обком районда ўзини бадном қилган ходимни область қўрақўлчилик совхозлари трестининг бошқарувчиси лавозимига кўтармаганда бундай қарор тўғри бўлурди, албатта. Ўз лавозимидан мажбурий равишда кетган район газетасининг собиқ редактори Қ. Норқуловни ишга жойлаштириш тўғрисида эса район партия комитетида ҳам, область партия комитетида ҳам ҳанузгача ҳеч ким ўйлаб кўрмаётир. Шу муносабат билан «Правда» ўқувчилари бундай деб сўрамоқдалар: кадрларни шу тариқа тарбиялаш мумкинми? Бундай «тарбия» баъзи раҳбарларнинг ҳар қандай масъулият ҳиссини йўқотиб қўйишларига ва охири бориб, кимга хизмат қилаётганликларини эсдан чиқариб қўйишларига олиб келмайдими?

Газетхонлар Сурхондарё область партия комитетидан ана шу саволларга батафсил жавоб кутишга ҳақлидирлар, деб ўйлаймиз.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ота Носиров билан бўлган суҳбатдан хотирамда унинг яна шу сўзлари яхши сақланиб қолган: халқ билан бирга, халқ фаровонлиги йўлидаги катта меҳнатдагина киши ўзини намоён қила олади, ўзини бахтиёр ҳис қилади...

Бу сўзларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи мисоллар оз эмас. Ҳамроқул ота ўзлаштирган ва ҳамон ўзлаштираётган Мирзачўл билан туташган жойда М. Каримов Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлайди. Колхоз раиси Носиров ҳам, мен ҳам уни партия даъватига биноан Мирзачўлга республиканинг ҳамма томонларидан кўнгиллиларнинг отрядлари кўчиб келган пайтдан буён биламиз. Улар орасида комсомол аъзоси Муҳиддин ҳам бор эди. Ҳориб чарчаган, юзларини чўл шамолига олдирган, лаблари ёрилган Муҳиддин бошқа чўлқуварлар билан биргаликда уйғонган ернинг ҳар бир парчаси учун астойдил курашди. У ана шу ерга ўзининг бутун жон-тани, қалби билан сингиб кетган, чорак асрдан буён шу ерларни обод қилиш иштиёқи билан яшаб келмоқда. Бугунги кунда Сирдарё районида бир вақтлар қақраб ётган ва энди экишга яроқли ҳар бир гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили олинмоқда, ҳар бир сигирдан 4 минг литрдан сут соғиб олинмоқда. Давлатга гўшт учун топширилаётган ҳар бир буқанинг вазни 500-600 килограмм келмоқда...

Халқимизнинг Мирзачўл Мирзагулистон бўлди деган нақлининг жони бор. Бинобарин, ўз меҳнати, умумий ишга садоқати туфайли ана шу ҳақиқатнинг туғилишига, бу ҳақиқатнинг кун сайин янада янги куч билан намоён бўлишига ёрдам берган киши чиндан ҳам бахтлидир.

И. МУҚИМОВ,
«Правда» мухбири,
Ўзбекистон ССР.

(«Правда», 13 сентябрь).



«Главсредазирсовхозстрой»нинг «Киркизсовхозводстрой» трести қурувчилари Қирққиз массивидаги иккинчи кўрик хўжалик — 3-совхозда янги ерларни ўзлаштириш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Айниқса бунда 29-механизациялашган кўчма колонна механизаторлари фидокорлик билан меҳнат қилишмоқда. Суратларда: 29-механизацияланган кўчма колоннанинг кундалик топшириқларини бир ярим баравар ошириб бажараётган экскаваторчиси коммунист Б. Михайлюк ва совхозда ер ҳайдаш пайти.

Н. Ключнев фотолари.

ХУШХАБАРЛАР

● Бухоро область матлубот союзининг автолавкалари ялпи пахта йиғим-терими арафасида янги график асосида ишлай бошлади. Дала шийпонларида кўчма магазинларнинг келиш вақти кўрсатилган лавҳалар пайдо бўлди. Бу кўчма магазинлар барча пахтачилик бригадаларига боради. Ҳозирги вақтда областда автомагазинлар сони 150 тага етди. Энг зарур ва харидоргир моллар танлаб олинган.

● Термиз районидаги «Қизил юлдуз» колхозида бузоқхона белгиланган муддатдан бир ой илгари қурилди. Ангор колхозлараро қурилиш бошқармасининг ходимлари иншоотни яхши баҳо билан топширдилар. Қурувчилар район хўжаликларида яна 10 та ишлаб чиқариш ва маданий-маиший иншоотларни графикда белгиланганидан анча илдам барпо этмоқдалар. Бошқармада биронта ҳам қолоқ бригада йўқ. Қурилиш-монтаж ишларининг йиллик планини СССР янги Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигигача бажариш мўлжалланган.

● Хазорасп районидаги К. Маркс номли колхозда С. Сафоев бошлиқ илғор бригаданинг пахтакорлари «Навбаҳор» ансамблининг янги программаси билан биринчи бўлиб танишдилар. Бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг қатнашчилари пахта йиғим-терими бошланиши шарафига қишлоқ аҳолисининг қаҳрамонона меҳнатини акс эттирувчи қушиқ ва рақсларни тайёрладилар. Ҳозир райондаги дала шийпонларида тўқиш бадиий ҳаваскорлик коллективи мунтазам равишда концерт бермоқда.

● Сирдарё областининг Ворошилов райони марказида очилган янги универмагда буюртмалар асосида савдо қилиш ташкил этилди. Универмагнинг икки қаватида жойлашган савдо залларида зарур буюмлар бўлмаса, харидорларнинг буюртмаси асосида бундай буюмлар базадан дарҳол ташиб келтирилади. Узбекистонда 3,5 минг қишлоқ магазини аҳолига хизмат кўрсатишнинг ана шу илғор методини жорий этди. 240 та савдо корхонаси молларни хонадонларга етказиб беришни ташкил қилди. Бу эса асосий харидорлар — деҳқонлар ва чорвадорларнинг қимматли вақтини тежаш имконини беради.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ—УМУМХАЛҚ ИШИ

РЕЗЕРВЛАР ҲАРАКАТГА КЕЛСА...

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми партиямизнинг ленинча аграр сиёсатини амалга оширишнинг янги босқичини бошлаб берди, мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича бундан олдин қабул қилинган қарорларни ривожлантирди. Бу — совет халқининг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган янги тадбирлардир.

«...Қишлоқ хўжалиги олдига унинг барча тармоқларини ҳар томонлама, динамик ривожлантириб, мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан ишончли таъминлашга эришиш асосий вазифасини қўймоқдамиқки, уларни етиштиришнинг ўсиши халқнинг турмуш даражасини бундан кейин анча оширишни таъминлай оладиган бўлсин. Шу билан бир вақтда биз шаҳар билан қишлоқнинг моддий ва маданий-маиший турмуш шароитини яқинлаштириш вазифасини ҳал этиш учун кўпроқ куч-ғайрат сарфлашимиз лозим», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумдаги докладида.

Партия олга сурган бу муҳим иқтисоий вазифани ҳал этишда қишлоқ қурувчилари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланади. Областимиз колхозлараро қурилиш ташкилотлари бинокорлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини мустаҳкам заминга таянган ҳолда бажаришга киришдилар. Улар март (1965 йил) Пленумидан бери 248,7 миллион сўм ҳажмидаги қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. 154,5 минг квадрат метр уй-жой, 12,6 минг ўринли болалар боғчаси, 61,5 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 67,7 минг бош мол учун сигирхона қуриб фойдаланишга топширдилар.

Область қишлоқларида катта ишлар қилинди, лекин янада кўпроқ юмуш амалга оширилмоғи керак. Пленум қарорларида шаҳар билан қишлоқнинг моддий ва маиший турмуш шароитини яқинлаштириш бўйича қўйилган вазифани биз 400 дан ортиқ хуторни тугатиш ва уларнинг ўрнига 100 га яқин шаҳар типидаги посёлка қуриш, деб тушунамиз. Бу вазифани уй-жой қурилиши кооперативларини ривожлантириш ва такомиллаштира бориш ҳисобига, амалга ошириш мумкин. Агар саккизинчи беш йилликда Сурхондарё области колхозларида 54,3 минг квадрат метр, тўқизинчи беш йилликда 51,2 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилган бўлса, биргина 1978 йилнинг ўзида 32 минг квадрат метр, шу жумладан, уй-жой қурилиши кооперативлари ҳисобига 15 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилади.

Хуторларни планли равишда тугатиш бўйича андижонлик қишлоқ қурувчиларининг тажрибаси эътиборга сазовордир. Улар 1990 йилга қадар хутор системасини тугатишмоқчи. Афсуски, бизнинг областимизда бундай планлаштириш имкони йўқ. Чунки колхоз қурилишлари ҳанузгача бош планларга эга эмас, қурилишлар лойиҳа-смета ҳужжатлари билан қонқарсиз таъминланяпти.

Лойиҳа институтларининг областимиздаги барча филиалларини бирлаштириб, лойиҳалаш ишларини марказлаштириш мақсадга мувофиқ бўларди. Бундай марказ областдаги барча қурилиш ташкилотларини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлаш ва маҳаллий қурилиш материаллари (мармар, тош, қамиш, қум ва бошқалар)дан фойдаланиш шароитларини ҳамда имкониятларини ишлаб чиқиш билан шуғулланарди.

Қишлоқда қурилиш ишлари ҳажмини оширишнинг яна бир йўли — колхозлараро бинокорлик ташкилотлари ўзларига тааллуқли бўлмаган қурилишлар билан шуғулланишини тақиқлашдир. Чунки, Сурхондарё қишлоқ қурувчилари давлат капитал жамғармалари бўйича ҳар йили 2,5—3 миллион сўм миқдорида қурилиш-монтаж ишларини бажаришяпти. Улар бу ишларни бажармаганларида эди, ҳар йили қишлоқ жойларида қўшимча 12,5—13 минг квадрат метр уй-жой ёки 1200 бош молга мўлжалланган йирик чорвачилик комплекси ёхуд 2,5—3 минг ўқувчи учун мактаб бунёд этган бўлишарди.

Қурилиш ишлари суръати ва ҳажмини ошириш биринчи галда ўзимизнинг ишлаб чиқариш базамизни мустаҳкамлашга ҳам боғлиқ. Бу соҳада бирмунча ишлар амалга ошириляпти. Биз областда ғишт заводини қуриб ишга туширдик. Бу корхона йилига 25 миллион дона ғишт бериши мумкин. Қишлоқ бинокорлик материаллари комбинатининг биринчи навбатини фойдаланишга топширдик. У 15 минг квадрат метр ҳажмда қурилиш деталлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш қувватига эга. Комбинатнинг қуриб битказилиши ва унинг лойиҳа қуввати даражасида ишлашига эришиш уй-жой ва чорвачилик комплекслари қуришни кескин кўпайтириш имконини беради.

Қишлоқ қурувчилари олдида турган катта вазифаларни бажаришда кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашга ғамхўрлик қилиш катта аҳамият касб этади. Бу соҳада «Ўзколхозстрой» бирлашмаси кўп иш қилмоқда. Тасдиқланган график бўйича республиканинг илғор колхозлараро қурилиш ташкилотларида бошлиқлар, инженерлар, ўрта бўғин раҳбарларининг семинарлари доимий ўтказилиб турибди, улар назарий билимлар ва илғорларнинг тажрибалари билан қўшилиб ажойиб самара бермоқда.

Қурувчиларнинг малакасини ошириш мақсадида энг яхши касб эгаси номини олиш учун конкурслар ўтказиш кенг қўлланилмоқда. Бошқаришнинг олий бўғин раҳбарлари учун республика Министрлар Совети ҳузурида малака ошириш курслари ташкил этилган.

Бироқ, фан-техника тараққиёти ютуқларини пропаганда қилувчи материаллар бизга жуда секинлик билан етиб келади. Шунинг учун колхозлараро қурилиш бошқармалари ва унинг механизациялашган кўчма колоналари учун информацион бюллетенларни ўз вақтида ва етарли миқдорда чиқариш керак.

Қурилиш сифатини янада ошириш учун ишлаб чиқариш системасини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан областимизда бир нечта ихтисослаштирилган кўчма колоналар ташкил этилди. Улар сантехника, ободонлаштириш, пардозлаш ишлари билан шуғулланмоқдалар. Бу иш сифатини бирмунча яхшилаш, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми олға сурган катта ва мураккаб вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан қишлоқ қурувчиларига ҳам боғлиқ эканлигини яхши тушунамиз. Шубҳа йўқки, колхозлараро қурилиш ташкилотлари коллективлари бу муҳим вазифани ҳам шараф билан бажарадилар.

Э. АНГИРОВ,
Сурхондарё область колхозлараро қурилиш трести бошқарувчиси.

БЕШ ЙИЛЛИК МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Суратда: Фарғонадаги Ф. Э. Дзержинский номли ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси коммунист Ш. Мирзабобоева. У партия XXV съезди қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, шахсий беш йиллик маррасини эгаллади. Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли бу мусобақа ғолибининг издошлари область корхоналарида кўпайиб бормоқда.

В. Молгачев фотоси.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Учқўрғон ремонт заводининг коллективи «Фарғона областидаги хўжаликлар учун йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар 1.600 та «зангори кема» тайёрлади. Бу эса планда белгиланганидан 150 та машина кўпдир. Корхона ишчилари бошқа бир муҳим буюртмани ҳам муваффақиятли адо этдилар — Болгария, Бельгия ва Кубага заводнинг янги маҳсулоти — ювиш машиналари жўнатилди. Бундай машиналарни ишлаб чиқариш учун корхонада серунум автоматлар ўрнатилди.

Илғор коллективдаги 500 нафар ишчининг барчаси смена топшириқларини бажармоқда, ҳар икки кишидан бири коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашмоқда.

ЭЛ СОҒЛИҒИ—ЮРТ БОЙЛИГИ

ДАРДГА ШИФО, ТАНГА ОРОМ

САЛОМАТЛИК ШАҲАРЧАСИДАН РЕПОРТАЖ

Ўзгача мавж билан оқаётган Полвон каналининг ўнг соҳилида гўзал оромгоҳ қад кўтарди. Бу — Ҳазорасп пахта тозалаш заводи ишчилари учун қурилган, дам олиш ва даволаниш учун барча қулайликларга эга бўлган санаторий - профилактор и й комплексидир.

Қисқа вақт ичида бунёд қилинган бу соғломлаштириш комплекси 120 ўринга эга бўлиб, иккита дам олиш ва битта даволаниш корпусларини, ошхона, теплица хўжалиги, холодильник, сут ва гўшт етиштирадиган ферма ва омборхоналарни ўз ичига олади.

Санаторий-профилакторий яқинда дам олувчи ва даволанувчиларнинг биринчи группасини кабул қилди.

Санаторий-профилакторийда фақат завод ишчи-хизматчиларигина эмас, районнинг кўпгина қишлоқ меҳнаткашлари, мутахассислар яйраб дам олишяпти ва даволанишяпти. Замонавий медицина асбоблари билан жиҳозланган кабинетлар радикулит, бод, ошқозон ва нафас йўллари касалликларини даволашга ихтисослаштирилган. Балчиқ, нур ва минерал сувлар билан даволаш усулидан кенг фойдаланилади. Туз кони, Қалажиқ балчиғи, минерал сув манбалари воҳада мавжудлиги шифокорларга қўл келмоқда. Тажрибали, ширинсўз врач Ғафуржон Рўзиматов, Пўлат Шокиров, медицина ҳамшираси Розия Қурёзова каби шифокорлар ҳозирдаёқ даволанувчилар ташаккурига сазовор бўлишди. Мана, улар ҳақида айтилган қалб сўзлари:

Жданов номли колхоз механизатори Ўрин Одамбоев: — Дардга шифо ҳам, танга ором ҳам шу ерда экан. Янги куч-ғайрат билан меҳнат қучоғига қайтиб, пахта теримига муносиб ҳисса қўшаман.

Район алоқа узели ишчиси Таслима Қосимова: — Санаторийда дардга дармон бағишлаётган соғлиқ посбонларига катта раҳмат! Соғлиғимиз тўғрисидаги ғамхўрлик бизни яхши ишлашга руҳлантиради.

Биз канал соҳилида, гулзорларда, фавворалар ёнида дам олаётган кишилар билан суҳбатлашарканмиз, уларнинг санаторий хизматидан мамнун эканлигини яққол ҳис қилдик.

Бу ажойиб саломатлик шаҳарчаси тўғрисида гап борганида, замонавий лойиҳа асосида қурилган қўш қаватли, чиройли корпуслар, хоналарнинг жиҳозланиши ва безатилиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмай бўлмайди. Ўзбекистон ССР халқ рассоми, машҳур уста Маҳмуд Усмоновнинг ўймакорлик маҳорати сержило нақшларда ёрқин акс этиб турибди. Завод қурилиш бригадаси усталари Маҳмуд Сафаров, Қадам Нуруллаев, Амин Рўзиматов каби меъморлар зеҳни ва ғайрати таҳсинга муносибдир.

— Корхонамиз ишлаб чиқаришда юқори самарадорлик ва сифатга эришиб, рентабеллик тинмай ошиб бормоқда, — деди завод директори Тоҳир Жуманиёзов. — Масалан, беш йилликнинг икки ярим йили ичида ишлаб чиқариш ҳажми 6 процент, меҳнат унумдорлиги 7 процент ўсди, планга қўшимча равишда 226 минг сўм фойда олинди. Ишлаб чиқариш, маданий-маиший ва дам олиш объектлари қурилишини авж олдириш учун иқтисодий имкониятлар катта. Ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш тадбирларини изчиллик билан амалга ошираверамиз.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОСМИК ОРБИТАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК

СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ ЖУРНАЛИСТЛАРИ УЧУН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Германия Демократик Республикасининг граждани иштирок этган экипажнинг «Салют-6» орбитал станциясига қилган экспедицияси муваффақиятли тугади. 12 сентябрь куни Москвада совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференцияси ана шу воқеага бағишланди. 3 сентябрь куни ниҳоясига етган учиш қаҳрамонлари В. Биковский ва З. Иен билан бирга Журналистлар марказий уйида матбуот вакиллари билан учрашувга таниқли совет олимлари ва уларнинг ГДРдан келган ҳамкасблари, Космонавтларни тайёрлаш маркази ҳамда Учушни бошқариш марказининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Залда ГДР жамоатчилиги делегацияси, ГДРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Г. Отт ҳозир бўлди.

СССР Фанлар академияси «Интеркосмос» кенгашининг раиси академик Б. Петров ўз нутқида қуйидагиларни айтди. Биз бугун учинчи халқаро экипаж аъзоларини шарафламоқдамиз. Дастлабки совет космонавтларидан бири, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Биковский билан ГДРнинг тадқиқотчи-космонавти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони З. Иен «Союз» космик кемаларида, «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий комплексида учдилар ва ишларни бажарганларидан кейин жонажон Ерга қайтиб келдилар. Улар асосий экипаж аъзолари космонавтлар В. Коваленок ва А. Иванченков билан биргаликда Совет Иттифоқи билан ГДР олимлари ҳамда мутахассислари ишлаб чиққан экспедиция программасини тўла-тўкис бажардилар, ЧССР ва ПХР мутахассислари яратган приборлар ёрдамида бир қанча экспериментларни ўтказдилар ва шундай қилиб, бундан аввалги халқаро экипажлар бошлаган тадқиқотларни давом эттирдилар.

Академик Б. Петров ГДР олимлари ва мутахассисларининг космосни ўрганишда қардош социалистик мамлакатлар қилаётган ҳамкорликда тобора кўпроқ иштирок этаётганликларини батафсил гапириб берди. Совет ракета космик техникаси юксак даражада эканлиги туфайли, деди у, «Интеркосмос» программасини муваффақиятли ривожлантириш мумкин бўлди. «Салют-6» станцияси салкам бир йилдан буён учишни давом эттирмоқда. Шу вақт ичида станция билан ўн марта муваффақиятли туташтириш ўтказилди, яқинда «Союз-31» кемаси қайтадан туташтирилганлиги ҳам шу жумлага киради. Орбитал комплексга учта совет экипажи ва учта халқаро экипаж чиқарилди. Ер — космос — Ер трассаси бўйлаб мунтазам қатнов йўлга қўйилганлиги экипажларни алмаштириш, ёқилғи ва сарфланадиган материалларнинг запасларини тўлдириш, станцияга янги илмий приборларни элтиб бериш, ресурсини сарфлаб бўлган асбоб-ускуналарни алмаштириш имконини берди. Бу — совет космонавтикасининг улуғвор ютуғи, космик фазони ўзлаштиришда қўйилган янги катта қадамдир.

ГДР Фанлар академиясининг бош секретари К. Гроте бундай деди: ГДР олимлари мана ўн йилдирки, совет олимлари ва мутахассисларининг бегараз ёрдамлари туфайли фан ва техниканинг космик тадқиқотлари сингари истиқболли соҳасида актив иштирок этаётганликлари билан фахрланадилар.

Учинчи халқаро экипаж командири, СССРнинг космонавт-учувчиси В. Биковский қуйидагиларни айтди: бундан бир соат илгари Кремлда бўлган унутилмас воқеа немис ўртоғим З. Иен билан бирга бизда зўр таассурот қолдирди. Ўртоқ Л. И. Брежнев бизга ва ҳукуматнинг юксак мукофотларини топшира туриб, бизнинг ишимизга берган юксак баҳоси иккаламиз ҳам гоят тўлқинландик.

Менга, Германия Демократик Республикасининг гражданига, — деди ГДРнинг биринчи космонавти З. Иен, «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексидаги учинчи халқаро экспедициянинг ишида қатнашишдек юксак ишонч билдирилди. Даставвал, менга КПСС Марказий Комитети, ГБСП Марказий Комитети, СССР ва ГДР ҳукуматлари катта ишонч билдирганликлари учун миннатдорчилик изҳор қиламан. З. Иен барча эксперимент ва тадқиқотларни ўтказишда ёрдам берганликлари учун «Салют-6» станциясининг асосий экипажи В. Коваленок билан А. Иванченковга самимий миннатдорчилик билдирди. У кема ва станциянинг барча системалари пухта ишлаганлиги, илмий аппаратлар бенуқсон ишлаб турганлиги, Ердаги барча хизмат ишлари аниқ бажарилганлиги экспедиция муваффақиятини таъминлаганлигини қайд этди.

Матбуот конференциясининг охирида космонавтлар билан олимлар журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

(ТАСС).

ЗАФАР САТРЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган Бахмал райони боғбонлари давлатга мева топшириш йиллик планини муддатидан илгари 101,5 процент қилиб бажардилар. Улар пландаги 2850 тонна ўрнига 2892 тонна ноз-неъмат тайёрладилар. Бу меванинг қарийб 1200 тоннаси Россия Федерациясининг саноат марказларига жўнатилди. Район меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликкинг уч йилида давлатга 10.164 тонна мева топширдилар.

Эришилган ғалабага райондаги «Гулбулоқ», «Партия XXIII съезди», «Партия XXIV съезди» ва «Бахмал» совхозларининг боғбонлари катта ҳисса қўшдилар.

Э. СУВОНОВ.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини ҳаётга жорий этаётган Жиззах область полизчилари давлат қабул пунктларига 102 минг тоннадан зиёд ширин-шакар қовун-тарвуз етказиб бердилар. Улар бу соҳадаги йиллик планларини ошириб бажардилар. Бу ғалабага Дўстлик, Арнасой, Жиззах районларининг полизчилари катта ҳисса қўшдилар. Давлатга топширилган полиз маҳсулотларининг 90 минг тоннадан кўпроғи Сибирь, Узоқ Шарқ районларига, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардаги қардошларнинг дастурхонига жўнатилди.

Область полизчилари маҳсулот тайёрлашни кун сайин қизитмоқдалар. Улар бу йил бир ярим йиллик план миқдорида маҳсулот тайёрлашга аҳд қилдилар.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ ҚУНДАЛИГИ

ДЕФОЛИАЦИЯ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Республикада 12 сентябргача 592,9 минг гектар майдондаги ғўза дефолиация қилинди. Бу дефолиация қилиниши керак бўлган барча майдоннинг 39,5 процентига тенгдир.

Тошкент областининг хўжаликларида ғўзаларни дефолиация қилиш тез суръатлар билан юқори сифатли қилиб ўтказилянти. Областда дефолиация юзасидан белгиланган план бир йилда 91,9 процент адо этилди. Жиззах областида эса дефолиация плани 67,8 процент бажарилди. Тошкент областининг ғалаба районида ғўзаларнинг баргини тўктириш иши аъло даражада амалга оширилди. Бу районда дефолиация қилиш юзасидан белгиланган план 11 сентябрдаёқ тўла бажарилди. Жиззах областининг Дўстлик районида бу соҳадаги топшириқ 80 процентдэн ошириб адо этилди.

Бироқ ғўзаларни дефолиация қилиш ҳамма ерда ҳам талаб этилган даражада тез суръатлар билан олиб борилянти, деб бўлмайди. Ғўзаларнинг баргини тўктириш Фарғона областининг хўжаликларида, айниқса, секин бормоқда. Бу областда бир кунда атиги 6,2 минг гектар майдондаги ғўзага дори сепилянти. Мавсум бошидан буён эса ҳаммаси бўлиб 21,8 минг гектар майдонда дефолиация ўтказилган ёки бу соҳадаги топшириқ бажарилиши 22,1 процент адо этилган.

Бухоро ва Андижон областларида ҳам дефолиация суръати жуда суст бўлмоқда. Дефолиация қилиш юзасидан белгиланган план Бухоро областида энди 40,1 процент ва Андижон областида 32,8 процент бажарилганлиги бунинг далилидир. Сурхондарё областидаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Бу областда ғўзаларнинг баргини тўктириш юзасидан белгиланган топшириқ 32,8 процент бажарилган.

Ғўзаларнинг баргини тўктиришда ерда ишлатиладиган «ОВХ-14» маркали аппаратлардан мутлақо қониқарсиз фойдаланилмоқда. Республикада ҳаммаси бўлиб 7000 тадан ортиқ «ОВХ-14» маркали аппарат мавжуд бўлгани ҳолда, ҳозир уларнинг фақат 2256 таси ишга туширилган.

Дефолиация қилишда ишлатилаётган самолётларнинг унуми паст. Масалан, Фарғона областида битта самолёт билан бир кунда 117 гектар, Қашқадарё областида 148 гектар, Сурхондарё областида 173 гектар майдондаги ғўзага дори сепилмоқда. Ваҳолонки, ҳар бир самолёт билан бир кунда камида 250 гектар майдондаги ғўзага дори сепилиши зарур.

Дефолиациянинг сифати ҳамма ерда ҳам талабга жавоб берарли даражада яхши бўлянти деб бўлмайди. Тошкент, Фарғона, Қашқадарё областларининг бир қатор хўжаликларида ғўзага самолётлар билан дори сепилганидан кейин ўтказилган текширишда карталарнинг чекка қисмлари, электр ва телефон алоқаси тармоқлари ўтган жойларнинг атрофи дефолиация қилинмай қолганлиги маълум бўлди. Шу нарса ажабланарлики, самолётда дефолиация қилганда чала қолган жойларга ерда ишлатиладиган трактор аппаратлари билан дори сепилмаянти. Бундай жойларда эса пахта териш машиналарини ишлатиб бўлмайди.

Колхоз ва совхозларнинг, ўсимликларни ҳимоя қилиш станциялари ва отрядларининг, бошқа қишлоқ хўжалик органларининг мутахассислари дефолиантларнинг эритмаларини тўғри тайёрлаш, самолётлар ва «ОВХ-14» маркали аппаратларнинг иши устидан контроллиқни кучайтиришлари керак. Ҳамма жойда дефолиациянинг суръатини тезлаштириш билан бир қаторда, унинг сифати талаб этилган даражада бўлишига эришиш зарур.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ШОЛИ ПИШДИ, ЛЕКИН...

Сўнгги икки-уч йилда Қорақалпоғистон Автоном Республикасида янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига шоли етиштириш кескин кўпайди. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил йил сайин 15-18 центнер ортиб бормоқда.

Қорақалпоғистонликлар буни ҳисобга олиб, бу йил 250 минг тонналик шоли хирмони тиклаш мажбуриятини олишган. Бу, йил бошида қабул қилинган социалистик мажбуриятдагидан 35 минг тонна кўп. Шоликорлар мажбуриятни бемалол қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштиришди. Улар шолини 25-30 иш кунида ўриб-янчиб олишни режалаштирдилар. Шуниси қувончлики, Автоном Республикада шоли ўрими ўтган йилдагидан 18-20 кун эрта бошланди.

Гектаридан 65 центнердан ҳосил кутариб, умумий хирмонни 30 минг тоннага етказиш учун курашаётган Қўнғирот районидаги Чапаев номли, «Равшан» ва 36 минг тонналик шоли хирмони учун курашаётган Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозларида ўрим ташкилотчиликлар методи асосида ташкил қилинди.

— Биз шоли ўриш ва янчиш ишларини узоғи билан бир ҳафтада тугалламоқчимиз, — деди Чапаев номли совхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. Бекпўлатов. — Бироқ бизнинг ишимизга тўсиқ бўладиган нарсалар кўп. Совхозимизда шолининг барвақт пишиб етилишига қарамасдан, комбайн ва жаткалар тўла ремонтдан чиқарилгани йўқ. Тегишли ташкилотлар бу ҳақда ўйлаб кўришлари керак.

Шу совхоздан М. Қорилбоев, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан Алексей, Қораўзак районидаги «Маданият» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. Туримбетов, «Қораўзак» совхозидан СССР Олий Совети депутати О. Хўжалепесова, шунингдек Т. Ўримбетов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган ва бошқа ўнлаб оригадаларнинг коллективлари гектаридан 75-85 центнердан шоли уриб-янчиб олиш мақсадида қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар.

Бошқа қуплаб хўжаликларда шолини ташлаб ўриш, янчиш бошланди. Шоли ўриш, янчиш 15 сентябрдан ҳамма жойда ёппасига оошланади.

Биз шу муносабат билан жатка, комбайн, транспорт ва бошқа техниканинг мавсумга қандай тайёрланганини кўздан кечирдик. Маълум бўлишича, ҳали бу ишда қатор камчиликлар мавжуд. Ш. Тажетов директорлик қилаётган «Партия XXII съезди» совхозида 17 жатка, 17 комбайн, Ж. Кайпназаров директорлик қилаётган «Олтинқўл» совхозида 20 жатка, 47 комбайн, У. Ҳамидуллаев директорлик қилаётган «Октябрь» совхозида 15 жатка, 21 комбайн ремонтига ҳалигача қўл урилмабди. Шоличилик совхозларидаги 615 жаткадан 397 таси, 1343 комбайндан 976 таси ремонт қилинган, холос. Бунинг устига, уларнинг бир қисми ҳали комиссия томонидан қабул қилиб олинмаган. «Қаракалпакцелинрис» трести ва «Қаракалпакирсовхозстрой» бошқармаси раҳбарлари бундан ташвишланишмаётганга ўхшайди.

Шолини тез ва нобуд қилмасдан ўриб-янчиб олиш чораларини кўриш лозим. Бунинг учун барча мавжуд ўрим техникасини тезроқ ремонт қилиб, тўла ишга тушириш ҳамда юқори унум билан ишлатиш зарур.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Оламда нима гап

«Полиция мундиридаги ирқчилар» номини олган америкалик «тартиб сақловчилар»га қамоққа олинган қора танликларни ҳар қанча таҳқирлаш ҳуқуқи берилган.

СУРАТДА: Гарлемдаги полиция участкасида қамоққа олинган негр ана шундай таҳқирланмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

АДДИС-АБЕБАДА ТАНТАНАЛАР

АДДИС-АБЕБА, 12 сентябрь. (ТАСС). Эфиопия меҳнаткашлари бугун революциянинг тўрт йиллиги нишонланган бир пайтда социалистик йўлни қатъиян танлаб олганлигини, революция ғалабаларини қатъий туриб ҳимоя қилишга қарор берганлигини, мамлакатнинг ҳозирги раҳбарларини қўллаб-қувватлаётганлигини намойиш қилдилар. Шаҳарнинг марказидаги Революция майдонида оммавий митинг бўлди. Бу митингда Эфиопия гражданларидан бир неча ўн минг киши қатнашди.

Менгисту Хайле Мариам бошчилигидаги Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши ва ҳукуматининг раҳбарлари, дўст мамлакатлардан тантаналарда қатнашиш учун келган вакиллар, шу жумладан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов бошчилигидаги совет партия-давлат делегацияси байрам минбарига чиққанларида ҳамма уларни самимий кутиб олди.

Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариам митингда сўзлаган нутқида бундай деди: 1974 йил 12 сентябрь куни Эфиопиянинг меҳнаткаш халқи учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Худди шу куни мамлакатда феодал-буржуа режими ағдариб ташланди ва революцион давлат вужудга келди. Бу давлат ташкил топганидан буён ўтган тўрт йил ичида феодализмга, империализмга, мустамлакачиликка қарши характерга эга эканлигини ва бутун жаҳон социалистик ҳамжамияти билан, жаҳондаги ишчилар ҳаракати ва тараққийпарвар кучлар билан бир ёқадан бош чиқариб боришга тайёр эканлигини исбот қилди.

Биз революциянинг тўрт йиллигини нишонлар эканмиз, оғир синовлар пайтида бизга моддий, сиёсий ва маънавий ёрдам берган социалистик мамлакатларга, Африка давлатларига ва жаҳондаги барча тинчликсевар кучларга самимий ташаккур ва миннатдорчилигимизни изҳор қилишни истаймиз. Мен бизга кўрсатган ҳақиқатан ҳам буюк моддий ва сиёсий ёрдами учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва ҳукуматига, ишчилар ҳаракати, прогрессив ва миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаган асосий қалъа бўлмиш жаҳондаги биринчи социалистик давлатга Эфиопия кенг халқ оммаси номидан миннатдорчилик изҳор қилишни истаймиз.

Биз ўз ишимиз учун, социализм тантанаси учун эфиопиялик ўртоқларимиз билан бир қаторда олиб борилган жанг майдонларида қон тўккан революцион Куба жангчиларини ҳам ҳеч қачон эсдан чиқармаймиз. Биз Яман Халқ Демократик Республикаси, ГДР, Чехословакия, Венгрия, Болгария, Польша ва бошқа мамлакатларнинг халқлари ҳамда ҳукуматларига улар берган ёрдам учун миннатдор эканлигимизни билдирамиз. Биз кенг кўламдаги ана шу интернационал ёрдамга жавобан пролетар интернационализми машъалини бундан буён ҳам баланд кўтариб боравермиз, деб ваъда бераміз.

Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг Раиси ўз нутқида Эфиопия ташқи ва ички сиёсатининг асосий принципларини батафсил баён қилди, ўз қўшинлари билан тинч ва ҳамкорликда яшашни истаётганлигини билдирди. Шу билан бирга у қуйидагиларни ҳам таъкидлаб ўтди: биз империализмнинг Африка бирлигига нифоқ солишга қаратилган найрангларини қатъиян қоралаймиз. Эфиопия Африка Бирлиги ташкилоти доирасидан ташқари «Африка мамлакатлараро кучлар»нинг вужудга келтирилишига қарши чиқади. Бундай кучлар империалистларнинг амрини бажарувчи қурол бўлиб хизмат қилган бўлур эди. Эфиопия Африка мамлакатларининг ички ишларига аралашишга ва тараққийпарвар ҳукуматларни ағдариб ташлаш учун сотқинлардан фойдаланиш практикасига қарши чиқади.

* * *

Совет партия-давлат делегацияси Тинчлик, дўстлик ва бирдамлик уйида бўлди. Бу уйда дўстлик ва бирдамлик Эфиопия — Совет комитети активи билан дўстона учрашув ўтказилди.

Комитет раиси, Эфиопия транспорт ва коммуникациялар министри Юсуф Аҳмад меҳмонларни самимий сўзлар билан табриклади. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик, деди у, ўзининг шонли тарихига эга бўлиб, машаққатли кунларда синовга бардош берди. 1974 йил революциясидан кейин совет халқи, КПСС ва СССР ҳукумати пролетар интернационализми принципларига амал қилиб, Эфиопия халқига моддий жиҳатдан катта ёрдам берди ҳамда маънавий жиҳатдан уни қўллаб-қувватлади. Бу эса революциямизнинг ғалаба қозонишида ҳал қилувчи омил бўлди.

Совет делегациясининг бошлиғи В. В. Кузнецов шонли сана — революциянинг тўрт йиллиги муносабати билан Эфиопия жамоатчилиги вакилларини қутлади ва энг яхши истакларини изҳор қилди. Совет кишилари, деди у, жамиятни социалистик асосларда барпо этишга интилаётган Эфиопия халқи билан бирдамдирлар ва ана шу олижаноб ишда бундан буён ҳам унга ёрдам ва мадад беришга тайёрдирлар. Совет делегациясининг бошлиғи Эфиопия ва СССР халқлари ўртасидаги дўстликни ривожлантириш соҳасидаги катта хизматларини тақдирлаш учун комитетга жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси, жаҳон пролетариатининг улуғ йўлбошчиси В. И. Ленининг скульптурасини туҳфа қилиб топширди.

ИРҚЧИЛИК ТАМОМИЛА ТУГАТИЛСИН

Уч йил ичида Жанубий Африка Республикаси турмаларида ўтказилган дастлабки тергов вақтида 337 киши ҳалок бўлди. Тўғрисини айтганда, уларни тутқинликда суд-сўроқсиз ваҳшиёна қийнаб ўлдирдилар.

Бу фактларнинг ҳаммаси ваҳшиёна эксплуатация қилинаётган маҳаллий аҳолининг қулларча жуда оғир ҳаёт кечираётганлигини ва Жанубий Африка Республикасида инсоннинг энг оддий эркинликлари ва ҳуқуқларини оёқ ости қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ирқчилик ва ирқий камситишга қарши курашга бағишлаб яқинда Женевада ўтказилган жаҳон конференциясида шу ҳақда гапирилди. Ирқчиликка қарши конференцияда 123 давлат ва кўпгина халқаро ташкилотлар вакилларининг қатнашганлиги бу анжуманнинг гоят кенг кўламда уюштирилганлигидан далолат беради. Конференция БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан чақирилди ва ирқчилик ҳамда ирқий камситишга қарши кураш юзасидан БМТ эълон қилган ҳаракат ўн йиллигининг (1973—1983 йиллар) биринчи ярми тамом бўлиши муносабати билан ўтказилди.

Конференция мураккаб вазиятда, кескин кураш шароитида олиб борилди. Ўртага қўйилган масаланинг моҳияти тамомила равшан. ХХ асрнинг сўнгги чорагида ирқий камситишнинг давом этаётганлиги йўл қўйиб бўлмайдиган шармандали бир ҳолатдир. Инсоният бунга мумкин қадар тезроқ чек қўйиши керак.

Аммо ирқчиларнинг таъсирчан ҳимоячилари топилиб қолди. Конференциянинг ўтказилишига халақит бериш ёки лоақал ирқчиликка қарши қаратилган жанговарлик руҳини заифлаштириш учун бир неча бор уринди кўрдилар. Маълумки, Исроил Женевага ўз вакилини юборишдан бош тортди. Бу — бежиз эмас эди: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сионистлар давлатининг сиёсатини ирқий камситиш формаларидан бири, деб қоралаган эди. Исроил шу сиёсати учун айбдорлар курсисидан жой олишдан қўрқди. Қўшма Штатлар ҳам Исроил билан бирдам эканлигини расман рўкач қилиб, конференцияда қатнашишдан намойишкорона воз кечди.

Лекин бунда гап АҚШнинг Тель-Авивни қўллаб-қувватлаётганлиги билан чекланиб қолмайди. АҚШ конференцияда қатнашишдан бош тортиши билан Жанубий Африка Республикаси ва Родезиядаги ирқчи режимларга орқаворатдан ҳомийлик қилиб, конференция қатнашчиларининг позицияларини «юмшатиш» ниятида уларга тазйиқ кўрсатишга уриниб кўрди. Бундан ташқари, Америка раҳбарлари бошқа мамлакатларда «инсон ҳуқуқлари» бузилаётганлиги тўғрисидаги ғиғво ва туҳмат гапларни ниқоб қилиб олиб, Қўшма Штатлардаги жуда ҳам разил воқеликни яшираётганлигини ҳаммадан кўра яхши биладилар. Қўшма Штатлардаги бутун ижтимоий-сиёсий система ирқий камситиш руҳи билан суғорилган. Улар ваколатли халқаро анжуманда фош бўлишларини тушуниб, хавфсираб қолдилар.

НАТО мамлакатлари ва бошқа баъзи капиталистик давлатлар Женевада икки юзлама тактика ишлатдилар. Бу мамлакатларнинг вакиллари очиқ мунозара вақтида сўзлаган нутқларида Жанубий Африка ирқчиларини танқид қилдилар ва уларни виждонан иш кўришга даъват этдилар. Аммо конференциянинг якунловчи ҳужжатлари ишлаб чиқилган комитетларида ирқчилар террорини жиловлаб қўйиш мақсадида конкрет тадбирлар ва жазо чоралари тўғрисидаги масала ўртага қўйилган пайтда улар қаршилик кўрсатиш йўлига ўтдилар.

Капиталистик мамлакатлар вакилларининг ирқий камситиш ва апартеидга қарши кураш масалаларида шундай иккиюзламачилик билан ҳаракат қилганликларининг сабабини тушуниб олиш қийин эмас. Бир томондан, улар ўз жамоатчилиги назарида ирқчиларнинг иттифоқчилари ролини ошкора бажаришни эп кўрмайдилар, иккинчи томондан эса Африка, Яқин Шарқдаги империалистик сиёсатнинг мақсадлари ва монополистик капиталнинг туб манфаатлари уларнинг ирқчи режимлар билан ҳамқорлик қилишларини тақозо этади. Буни тасдиқлайдиган расмий маълумотлар бор. Ирқий камситишнинг олдини олиш масалалари билан шуғулланувчи БМТ комиссияси Женевада Жанубий Африкадаги мустамлакачи ва ирқчи режимлар билан актив ҳамкорлик қилиб, уларга иқтисодий, молиявий ва ҳарбий ёрдам бераётган НАТО давлатлари ҳамда бошқа бир қанча капиталистик мамлакатларнинг қарийб 1500 банки, корпорациялари, саноат корхоналари ва бошқа корхоналарнинг рўйхатини эълон қилди.

Якунловчи ҳужжатлар узил-кесил маъқулланадиган ҳал қилувчи пайтда бу мамлакатларнинг вакиллари маклислар залидан чиқиб кетишди. Аммо уларнинг лўттибозлиги ўзлари умид қилган натижани бермади. Конференция қатнашчилари икки ҳафта мобайнида қилинган ишлар натижасида гоят кўпчилик овоз билан декларация ва ҳаракат программасини қабул қилдилар.

Бу ҳужжатларда таъкидлаб ўтилганидек, ирқчилик, ирқий камситиш ва апартеид қулфат-азобларнинг манбаидир, инсониятнинг виждоний ва иззат-ҳурматига қарши қилинаётган жиноят бўлиб, тинчлик ва халқаро осойишталикни катта хавф остида қолдиради. Конференциянинг ҳужжатларида ирқчи режимларни тамомила яккалаб қўйишга эришиш ва БМТ томонидан бу режимларга қарши жорий этилган жазо чораларини барча давлатларнинг пухта ва изчил бажаришларини таъминлаш зарур эканлиги уқтириб ўтилган ва бу мақсадларга эришишнинг аниқ тадбирлари белгиланган.

Конференция тамом бўлиши биланоқ Женевада ирқчиларга қарши кўп вакилларнинг иштироки билан яна бир анжуман — апартеидга қарши курашувчи ташкилотларнинг халқаро конференцияси ўтказилди. Бу конференцияда юздан ортиқ ҳукуматга дахлсиз халқаро ва миллий ташкилотлар, шунингдек миллий озодлик ҳаракатларининг вакиллари иштирок қилди. Конференция БМТ Бош Ассамблеясининг Жанубий Африкадаги ваҳшиёна апартеид системасини тамомила тугатишга қаратилган ишларни кучайтириш тўғрисида жамоатчиликка қилган даъватига жавобан чақирилди. Барча халқлар ва ҳукуматларни африкаликларнинг ирқчилик асоратидан бутунлай халос бўлиш учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлашни кучайтиришга даъват этган бу конференция жаҳон жамоатчилигини шу мақсадга эришиш учун курашга сафарбар қилиш йўлида муҳим босқич бўлиб қолди.

Ю. ЛОПАТИН,
ТАСС мухбири.

ЖЕНЕВА.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ХЕЛЬСИНКИ, 13 сентябрь. (ТАСС). Финляндия Республикасининг президенти У. К. Кекконен Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева бошчилигидаги совет делегациясининг аъзоларини қабул қилди. Делегация аъзолари совет маданияти ҳафталиги очилиши муносабати билан Финляндияга келишган.

Э. КЕННЕДИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, 12 сентябрь. (ТАСС). Сенатор Э. Кеннеди СССРдан қайтиб келганидан кейин конгрессда ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, бундай деди: совет шаҳарларини бориб кўришимнинг энг таъсирли жиҳатларидан бири кўпгина совет кишилари тинчликка астойдил интилишларини изҳор этганликлари бўлди. Улар Қўшма Штатларга нисбатан дўстлик туйғуларини қайта-қайта таъкидладилар ва иккинчи жаҳон урушида ўз жонларини қурбон қилган 20 миллион совет кишисининг ҳалок бўлганлиги тўғрисида жуда ҳаяжонланиб гапирдилар. Ўша урушда АҚШ билан СССР иттифоқчи бўлиб ҳаракат қилган эдилар.

Ҳозирги вақтда Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар, деди сенатор, мен Л. И. Брежнев билан сўнгги бор учрашган 1974 йилдагидан бир мунча кескин ва қийин бўлиб турибди. Э. Кеннеди ўтган ҳафта Л. И. Брежнев билан қилган суҳбатига батафсил тўхталди. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш вазифасини фикрлашув марказига қўйган совет раҳбари, деб уқтирди сенатор, стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида янги самарали ва одилона битим тайёрлаш зарурлигини, ядро синовларини ёппасига тақиқлаш тўғрисида тезроқ бир фикрга келиш кераклигини ҳамда ядровий ва оддий қуроллар билан қуролланиш пойгасига чек қўйиш мақсадини кўзловчи бошқа битимлар тузилиши лозимлигини қатъият билан қўллаб-қувватлади.

Гарчи қониқарли Америка — Совет муносабатлари ўрнатиш йўлида ҳали ошкора тўсиқлар бўлса ҳам, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ғоясига бўлган садоқатга Ж. Картер ҳукумати ва Америка халқининг жуда кўпчилиги қўшилади, деди Э. Кеннеди. Ядро урушининг олдини олиш иккала мамлакатимиз ва бутун дунёнинг тақдири учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадирки, шу боисдан ҳам бу нарсани иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларда мавжуд бўлган сиёсий проблемаларга боғлиқ қилиб қўймаслик керак.

Шу муносабат билан сенатор қурол-яроғлар соҳасидаги рақобат давом этаётганидан хавотирлик изҳор этди ва «иккала мамлакатимиз ўртасида бундан кўра ижобийроқ, истиқболли кузловчи ва мустаҳкамроқ муносабатларни ривожлантириш» лозимлигини айтди.

Э. Кеннеди АҚШ билан СССР ўртасидаги ихтилофли проблемаларга тўхталиб, инсон ҳуқуқлари ва диссидентлар деб аталмиш кимсалар хусусида АҚШда зўр бериб авж олдирилаётган мавзуга ҳам тўхталиб ўтди. Маълумки, кейинги вақтларда социалистик мамлакатлар тўғрисида гап борганида Америка раҳбар доиралари инсон ҳуқуқларининг «ҳимоячилари» ролида майдонга чиқишни ва айни вақтда шу ҳуқуқлар Қўшма Штатларнинг ўзида, шунингдек унинг дўстлари ва ўз ҳомийлигидаги мамлакатларда ҳақиқатан қўпол равишда бузилаётганини батамом четлаб ўтишни бир мода қилиб олганлар.

Э. Кеннеди сўзининг охирида бундай деди: АҚШ билан СССР «давом этаётган муҳолифликнинг хатарли эканлигини пайқаб олишлари лозим. Бутун дунёни йўқ қилиб ташлай оладиган бирдан-бир икки мамлакат — Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи зиммасига муҳолифлик хавфини камайтириш, тинчлик ишини мустаҳкамлаш ва келажакда ҳамкорликни мустаҳкамлашга пойдевор қўйиш учун алоҳида масъулият тушади».

СЕРҚУЁШ ЎЗБЕКИСТОН БЎЁҚЛАРИ

ХЕЛЬСИНКИ, 12 сентябрь. (ТАСС—ЎзТАГ). Финляндия пойтахтининг «Эспланада» бульварида энг шинам кўргазма залларидан бирида Совет маданияти ҳафталиги доирасида Ўзбекистон тасвирий санъати виставкаси қулоч ёзди.

70 та суратлар полотноси ва 10 та ҳайкал тасвири ўзбек халқининг ҳаётини бадиий образларда акс эттиради, унинг маънавий бойликларини намоён этади.

Экспозицияга рассомлардан Р. Аҳмедов, Ў. Тансиқбоев, Н. Карахан ва бошқаларнинг асарлари қўйилган.

Ҳайкалтарошлардан Э. Алиев, Д. Рўзибоев, шунингдек ёш ҳайкалтарош И. Жабборовнинг асарлари эътиборга сазовор бўлмоқда.

Бугун виставканинг очилганига икки кун бўлди, лекин таассуротлар дафтарида ёзиб қолдирилган 200 дан ортиқ ёзув борки, бу Советлар мамлакати санъатига бўлган зўр қизиқишнинг далилидир.

Зал гоҳ ёруғ, меҳмонлар суратлар олдида анчагача тўхталиб қоладилар, улардан баъзи бирлари виставка тўғрисида буклетга белги қўядилар. Томошабинларнинг биридан «Кўргазма сизга ёқдими?» деб сўраймиз. У ўзини танитди: Калерво Тиитинен, хельсинкилик қурувчи, ҳозирги вақтда ишсиз. «Кўргазма гоҳ серзавқ, унда серқуёш Жануб табиатининг ёркин ранглари кўзга ташланиб турибди, соҳибкамол кишилар иш устида. Дам олиш чоғида...» — дейди К. Тиитинен. У шча индамай турганидан кейин деди: «Афтидан, Совет мамлакатининг кишилари бахтиёр яшайдилар».

Пенсионер, босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлаган Ауне Кяке кўргазмага бундан тўрт йил муқаддам Ўзбекистонга қилган сафарини яна бир карра эслаш учун келди.

«Виставкада мен гўё Тошкентни ва Самарқандни кўргандек бўлдим, бизнинг туристик поездимиз шу ерлардан ўтган эди. Мамлакатингиз гўзал, одамлар дилкаш ва меҳмондўст... мен Финляндияга Ўзбекистондан меҳмонлар келганидан хурсандман. Ўзбек халқининг ҳаёти билан энди бошқа финлар ҳам таниша оладилар».

Фин матбуоти Финляндияда Совет маданияти ҳафталигига катта эътибор бермоқда.

Ўзбек рассомчилиги усталарининг кўргазмаси, деб таъкидлайди «Тнедонантая» газетаси, — совет диёрида кишилар қандай яшаши ва меҳнат қилиши тўғрисида томошабинларга ҳикоя қилиб берувчи саховатли ва ёркин санъатдир.

Виставка экспозицияси, деб ёзади «Кансан уутисет» газетаси, ўзбек халқи бугунги ҳаётини ишонарли тарзда тасвирламоқда.

Финляндияда бошланган Совет маданияти хафталиги, деб таъкидлайди «Сатакуннан тюэ» газетаси, Совет Иттифоқи ва Финляндия халқлари ўртасидаги дўстликни яна да кучайтириш ва чуқурлаштириш, тинчликни мустаҳкамлаш олижаноб ишга ёрдам беради.

СУВГА САКРАШ:

БИРИНЧИ ЧЕМПИОН

Ниҳоят республикамиз вакиллари орасида Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони пайдо бўлди. Мактаб ўқувчиларининг

Бутуниттифоқ спартакиадаси мусобақаларида иштирок этаётган Ўзбекистон командасининг совринлар жамғармасига дастлабки олтин медални Усмирлар спорт маҳорати республика мактабининг талабаси Евгений Сироткин келтирди. Тошкентлик спорт мастери саралаш мусобақаларида бешинчи ўринни эгаллаган эди. Ҳал қилувчи баҳсда эса маҳорат кўрсатди. У 10 метрлик минорадан сакраш бўйича мухлислар олқишига сазовор бўлди. Унинг сакрашини мутахассислар 437,11 балл билан баҳолашди. Спартакиада чемпиони Е. Сироткинга йирик мусобақаларда бундан буён ҳам маҳорат кўрсатиб, довруқли спортчилар сафидан ўрин олишига тилакдошмиз.

СПАРТАКИАДА ОДИМЛАРИ

● **СУВГА САКРАШ.** Умумқоманда ҳисобида РСФСР вакиллари пешқадамлик қилдилар. Ленинград ва Грузия коллективлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни банд этишди. Республикамиз спортчилари еттинчи бўлдилар.

● **ҚИЛИЧБОЗЛИК.** Ўзбекистонлик А. Даюбан шамширичилар финал мусобақасида кучли олтиликдан ўрин олди. Москвалик М. Глотов голиблик қилди. Усмирлар ўртасида рапира билан ўтказилган баҳсда Ленинград ва Грузия коллективлари иккинчи ўрин эгаллашди. Грузия ва РСФСР рапирачилари қолган икки фахрли ўринни олдилар. Ўзбекистон командаси 11-ўрин билан ниҳояланди.

ОММАВИЙЛИК САМАРАСИ

Шу кунларда республикамиз пойтахтида спартакиада чемпиони бўлиш учун қизғин кураш олиб бораётган карийб 8 минг нафар ўқувчи мамлакатимизнинг турли жойларидан ташриф буюрган кучли спортчилардир. Улар мактабларда бошланган дастлабки мусобақалардан тортиб район, шаҳар қолаверса, республика биринчиликларида куч синашиб саралланган ўғил-қизлар ҳисобланади. Спартакиада программасига киритилган спортнинг ҳар бир тури бўйича ўтказилаётган мусобақалар қизғин ва муросасиз ўтаётганининг боиси ҳам шунда. Ўқувчилар ўз мактаблари шунингдек, республикалари спорт шарафи учун астойдил маҳорат кўрсатмоқдалар.

Сузиш, сувга сакраш, бокс ва қиличбозлик бўйича бошланган дастлабки мусобақалар поёнига етди. Боксчилар кеча финал учрашувларни ўтказиб, голиблик учун курашни якунладилар. Энди навбат акробатчилар, қўл тўпи ва шахматчиларга берилади. Акробатика бўйича мусобақалар «Ёшлик» спорт аренасида ўтказилса, шахматчилар 110-мактаб спорт залида дона сурадилар. Ёш қўл тўпи усталари учун «Текстильшчик» стадионида шароит яратилган.

Сузиш мусобақалари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Гарчанд, номдор спортчилар қатнашмаган бўлсада, чемпионлик учун кураш муросасиз бўлди. Чунончи, белоруссиялик Л. Бутченков 400 метрга комплекс сузишда СССР рекордини ўрнатди. Усмирлардан 83 нафари, қизлар орасида 117 сузувчи спорт мастери нормативига тенг натижа кўрсатди. Республикамиз сузувчилари команда ҳисобида олтинчи ўринни эгаллашди. Қозоғистон, Арманистон ва Болтиқ бўйи республикалари кучли коллективларининг ортда қолдирилиши сузувчиларимизнинг маҳоратлари бирмунча ошганлигидан далолат беради.

Сувга сакраш бўйича пахтакор ўлка вакиллари қўлга киритган ютуқлар ҳам чакки бўлмади. Тошкентлик Евгений Сироткиннинг минорадан сакраш бўйича спартакиада чемпиони номига сазовор бўлиши мухлисларни беҳад мамнун этди. Қиличбозларимиз ҳам умуман дуруст қатнашишди.

Спартакиада мусобақаларида халқаро, Бутуниттифоқ ва республика тоифасидаги мингдан зиёд судья ҳакамлик қилмоқда. Шундан 411 нафари ўзбекистонлик судьялар бўлиб, улар орасида республикамизнинг барча областларидан вакиллар борлиги қувончлидир. Биргина бокс бахсларини етти халқаро тоифадаги судья бошқарганлиги ўқувчилар мусобақаларига масъулият билан қаралаётганидан далолатдир.

Спартакиада секретариатида тўққизта хизмат группаси бор. Группа аъзолари ўз вақтида ахборотлар тайёрлаш, бюллетенлар чиқариш, медаллар ва совринларни ҳисоблаб боришни ўрнига қўйишмоқда. Бундан ташқари группа аъзолари спартакиада қатнашчиларини кутиб олиш, кузатиб қўйиш, медицина хизмати кўрсатиш, оммавий сиёсий ва маданий ишларни ташкил этиш, оталик ёрдами кўрсатиш ҳамда жой билан таъминлаш каби юмушларни ҳам бажаришмоқда. Жумладан, куни кеча 3 минг 100 дан ортиқ спортчи ва тренерларни кутиб олдик. Сузувчилар делегациясини кузатиб қўйдик. Умуман, спартакиада мусобақаларининг ташкилий жиҳатдан намунали бўлиши, уюшқоқлик билан ўтказилиши учун ҳаракат қилмоқдамиз. Мусобақаларда қўлга киритилаётган ютуқлар эса оммавий бахсларнинг самарасидир.

Л. БОГРАД,
ўқувчилар спартакиадаси бош секретари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер.



Суратларда: спартакиада мусобақаларидан лавҳалар. 1. Арманистонлик А. Мкртчян 100 метрга батерфляй усулда сузиш бўйича чемпион бўлди. 2. Минсклик Ирина Луговская қиличбозлик бўйича мусобақада голиблик қилди. 3. Шахсий ҳисобда пешқадамлик қилган қиличбоз Борис Ельшаев (РСФСР). 4. Қиличбозлар биринчилик учун курашда. 5. Челябинсклик Сергей Кузнецов 3 метрлик трамплиндан сувга сакраш бўйича маҳорат кўрсатди.

Э. ИУЛДОШЕВ ва В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

ҚИШЛОҚҚА ЁРДАМ

Андижондаги «Электродвигатель» заводининг коллективи «Дўстлик» совхози учун ўттиздан кўпроқ электродвигателни ремонт қилиб, беш йилликнинг учинчи йили учун ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятнинг муҳим бандини бажарди. Машинасозлар ўз оталиқларидаги ана шу хўжаликка бир неча бор ёрдам бердилар. Шу йилги экиш мавсуми олдидан завод коллективининг кучи билан 12 та борона тайёрланди, чорвачилик фермасидаги сермеҳнат ишлар механизациялаштирилди. Корхона пахта йиғим-терими арафасида пахта териш машина-механизмларини шай ҳолга келтиришда ёрдам берди.

Ахборот

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш кампаниясига Ғиждувон районида пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Аҳоли пунктларида 11 та рўйхатга олиш бўлими, 69 та инструкторлик ва 207 та ҳисобга олиш участкаси ташкил этилди. Айни кунларда бевосита рўйхатга олувчи ҳисобчи ходимлар танланмоқда.

Б. ТИЛЛАЕВ.

ПАХТА ШТАБЛАРИ

Олтиариқ районидаги Охунбобоев номли колхоз дала шийпонларидаги қизил бурчакларга пахта йиғим-терими мавсумига оид янги қутубхоналар келтирилди. Унда КПСС Марказий Комитети июль Пленуми материаллари, республика илғор механик-ҳайдовчиларининг тажрибалари ёритилган китоб ва плакатлар бор. Пахта теримининг дастлабки кунлариданоқ дала шийпонларидаги қизил бурчаклар ўзига хос штабга айланди. Пахтакорларнинг кунделик меҳнати натижалари, теримчилар эришган ютуқлар билан шу ерда танишиш мумкин. Тушлик вақтида эса сухбатлар ва лекциялар ўтказилмоқда.

И. БЕКМАМБЕТОВ.

БУЛИМ БЕКАСИ

Ойтғул Давлетовани Чимбой районида социал таъминот бўлимининг бекаси деб атайдилар. О. Давлетованинг ғамхўрлиги туфайли давлат пенсиялари ва нафақалар ўз вақтида расмийлаштирилмоқда. Ҳозир район социал таъминот бўлими давлат пенсияси бўйича 4726 кишига хизмат кўрсатмоқда. 2898 кўп болали она эса нафақа билан таъминланмоқда.

О. ТУҚИМБЕТОВ.

КОЛЛЕКТИВ ВА ШАХС

БЕПАРВО БЎЛСАК...

Меҳнат коллективларида кишиларнинг характерлари тобланади, камолга етади. Совет кишисига хос бўлмаган тамагирлик, порахўрлик, текинхўрлик, ичкиликбозлик ва шу каби ўтмиш сарқитларига қарши кураш олиб боришда уларнинг роли ғоят катта. Афсуски, ҳамма жойда ҳам меҳнат коллективлари бу вазифани беками-кўст уддалаётир, деб бўлмайди.

Одатдаги иш кунларидан бири эди. Меҳмонхона фойесида жой сўраб келганлар жўда кўп. Аммо, улар администратор Анна Ишченконинг рад жавобини олиб турриб қолишарди. Баъзи кишиларнинг коридорларга қўйилган диван ва креслоларда мизғиб тонг оттираётгани ҳам А. Ишченкога сира таъсир қилмасди. У меҳмонларга «бўш жой йўқ, кутманглар ҳам» дея қўпол муомалага ўтган вақтлари кўп бўлган.

— Бронингиз бўлса, марҳамат. Акс ҳолда Тошкентдаги бошқа меҳмонхоналардан жой изланг, — дерди у ҳамиша.

Унинг ҳадеб «брон» сўзини тилга олаверганида бошқа маъно бор эди. «Ҳа, броним бор, мана у», деб паспортнинг ичига 20-25 сўмни солиб берган кишилар шу заҳоти меҳмонхонанинг энг яхши хонасига жойлаштирилардилар. Жиноят қанчалик узоқ давом этмасин, А. Ишченконинг қилмиши фош бўлиб, унинг порахўрлиги, ўз хизмат вазифасидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланиб келаётгани очиб ташланди. «Россия» меҳмонхонасида А. Ишченко, Ф. Гороховская, А. Изамшаева, Л. Сидорчукнинг узоқ вақт давом этган «фаолияти» ана шу тарада барҳам топди.

Хўш, меҳнаткашларга беминнат ва яхши хизмат кўрсатишдан бошқа вазифаси бўлмаган меҳмонхона коллективи ўртасида нега шундай хунук воқеа содир бўлди. Кишилар нима учун жиноий ишга қўл уришди? Кимлар айбдор? Меҳмонхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари бу воқеага қандай муносабатда бўлдилар? Биз шу масала юзасидан меҳмонхона ходимлари билан жуда кўп суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, маъмурият, партия ва касаба союз ташкилотлари коллективнинг тарбиячилик кучидан яхши фойдаланишмаган. Аҳолига хизмат кўрсатишдек муҳим ишни ишониб топшириб қўйиб, айни пайтда уларнинг фаолиятини назорат қилиб боришни унутиб қўйишган. Энг ачинарлиси шуки, маъмурият жиноятчиларнинг қилмишлари ҳақида гражданлардан тушган ташвишли сигналларга ҳам эътиборсизлик билан қараган, маънавий тубанликка берилган шахсларни чакки йўлдан қайтариш учун бирор чора кўрмаган.

Киши ҳаётида рўй берадиган баъзи майда камчиликларга кўпинча эътибор берилмайди. Айрим коллективларнинг аъзолари уларни ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, деб ўйлашади ва шахснинг нотўғри йўлга кириб кетишига сабабчи бўладилар. «Россия» меҳмонхонасида рўй берган юқоридаги воқеа ҳам ходимлар ўртасида ўзаро самимий муносабатлар қарор топмаганлигининг, расмиятчилик кучайиб кетганлигининг, киши тарбиясига масъулиятсизлик билан қаралганлигининг, жиноятларни келтириб чиқарадиган сабабларни тугатиш ўрнига жиноят яширилганлигининг, энг муҳими, тарбиявий ишда коллективнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланилмаганлигининг оқибатидир.

Баъзи корхоналарда ёшлар тарбиясига етарли эътибор билан қаралмаяпти. Ёшларнинг ўз меҳнат фаолиятларида, шунингдек турмушда йўл қўйган хатоларини «ёшлигини эътиборга олиб» кечириб юборавериш одат тусига кирмоқда. Ёшларнинг меҳнат интизомини бузиш, ичкиликбозлик ва ўғирлик қилишлари катта ёшдагиларнинг кўз ўнгида юз бераётган бўлса ҳам бундай иллатларга қарши вақтида кескин зарба берилмаётгани кишини ажаблантиради. Катта ёшдаги ишчилар, хизматчилар уларга панд-насиҳат қилиб туришмайди. Тошкентдаги сут ишлаб чиқариш бирлашмасида рўй берган салбий воқеа ҳам худди ана шуннинг натижасида содир бўлди. Бу ерда баъзи ишчиларнинг сменадан сўнг иккиуч шиша сут олиб чиқиб кетиши оддий бир воқеа бўлиб қолган, ҳамма ана шунга кўникма ҳосил қилган эди. Корхонада деярли ҳар куни бўлаётган майда ўғирликка бирлашма раҳбарлари панжа орасидан қарашди. Бундай эътиборсизлик эса ўз навбатида катта жиноятнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. У. Абдуқосимова, М. Набиев, Г. Юсупов ва Ю. Пахомкинлар катта ўғирлик қилишаётганида қўлга тушишди.

Баъзи ташкилотларнинг раҳбарлари жиноятнинг олдини олиш, ёки уни фош этиб, қинғир ишга қўл урган шахсларни жавобгарликка тортиш фақат маъмурий органларнинг вазифаси деб тушунадилар. Бу нотўғри, албатта. Чунки ҳар бир коллективда шахс ҳамманинг кўзи ўнгида бўлиши, унинг хатти-ҳаракати, иш фаолияти, ҳаётда тутган ўрни учун шу коллектив ўзини масъул деб билиши зарур.

Яқинда бизни бир шахснинг хатти-ҳаракати қизиқтириб қолди. У мамлакатимиздаги бошқа шаҳарларга тез-тез командировкага бориб турар, у ердан оиласига, дўстларига ва таниш-билишларига совға-саломлар юборар эди. Юзаки қараганда республика Қишлоқ хўжалик министрлигида экономист бўлиб ишлайдиган Ф. Муҳитдиновнинг бундай ишларида гўё ҳеч қандай жиноят йўқдек кўринарди. Аммо, вақт ўтган сари оддий совға ўрнига борган шаҳридан албатта кўп, қимматбаҳо ва ноёб буюмлар олиб келиш, кўпинча бундай буюмларни гоҳ самолётда, гоҳ поездда танишбилишларга посилка қилиб жўнатиш одат тусига кириб борди. Маълум бўлишича, командировка ишқибози ёдора юмушини бажариш баҳонаси билан чайқовчиликни ўзига касб қилиб олган экан. Шуниси ажабланарлики, унинг жиноят устида қўлга тушиб ҳибсга олинганидан у бирга ишлайдиган коллективда кутилмаган воқеа бўлди. Аниқланишича, унинг чайқовчилик билан шуғулланиб юрганидан коллектив бутунлай бехабар экан. Шу мисолнинг ўзиёқ катта бир коллективнинг шахс тақдирига бефарқ қараганлигини, бу ерда кишиларни тарбиялаш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини кўрсатади.

Яна бир воқеа. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг доцента С. Каримов студентлардан ҳар бир синов ва имтихон учун пора талаб қилган. Ўзининг жиноий хатти-ҳаракатлари билан педагог деган шарафли номга доғ туширган. Шуни айтиш керакки, агар институт профессорлар ва ўқитувчилар коллективи унинг бу қилмишлари газак олмасдан бурун огоҳ бўлиб тегишли чора кўрганида у жиноят кўчасига ўтмаган бўларди.

Совет кишисининг янги қиёфаси, унинг коммунистик ахлоқи ва дунёқараши ўтмиш сарқитларига қарши муросасизлик билан олиб борилаётган курашларда таркиб топмоқда. «Тамагирлик, порахўрлик, текинхўрлик, ичкиликбозлик ва ўғриминнинг шу каби ярамас сарқитларига қарши қатъий кураш олиб бормай туриб коммунистик ахлоқнинг галаба қозониши мумкин эмас», — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида. Бунга эришишда коллективнинг роли бениҳоя катта. Коллектив ўзининг тарбиявий имкониятларидан тўла фойдаланган жойда ҳеч қандай салбий воқеаларга йўл қўйилмайди. Шундай экан, ҳамма жойда коллективнинг катта таъсир кучидан, унинг тарбиявий роли-дан тўла фойдаланишга эришилмоғи лозим.

О. ЎРУНОВ,
Тошкент шаҳар ОБХСС бошлиғи.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
200-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига 8—10-синфни тамомлаган, 16 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ИШЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: слесарь-асбобсоз, йигувчи-слесарь, механика-йигув ишлари бўйича слесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, универсал-токарь, фрезерчи, электромонтажчи, радио деталларни йиғиш ва монтаж қилиш (қизлар).

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛДАН 2 ЙИЛГАЧА.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ҳарбий хизматчилар корхона ҳисобидан қўшимча 46 сўм стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 33 процента тўланади.

Ўқиш даври узуксиз иш стажига киради.

Билим юртини эзло баҳолар билан тугатган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзли йўлланма берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: директор номига ариза, автобиография, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка медицина справкаси 286-форма, иш жойидан ёки ўқиш жойидан характеристика олтита фотосурат (3х4 см.).

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СУНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 108-уй (2, 6, 7, 14 троллейбусларнинг «Тўғруқхона» бекатлари. Метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ТУРАР ЖОЙЛАР БЎЙИЧА РАЙОН ТЕЛЕАТЕЛЬЕЛАРИДА РАНГЛИ ВА ҚОРА-ОҚ ТАСВИРДАГИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРГА АБОНЕМЕНТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ЮЗАСИДАН

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Абонемент хизматига мамлакатимиз саноатида ишлаб чиқарилган ярақли телевизорлар қабул қилинади. Телевизорнинг ишлаб чиқарилган муддати ўн йилдан ошмаслиги, экранининг катталиги диагонали бўйича 35 сантиметрдан кўп бўлмаслиги, кинескопи ишлайдиган ҳолатда бўлиши лозимлигини унутманг.

Абонемент хизматига телевизорларни қабул қилиш ва шартномаларни расмийлаштириш телеателье вакиллари томонидан телевизор эгасининг уйида, унинг буюртмасига биноан амалга оширилади.

АБОНЕМЕНТ ҚУЙИДАГИ ИМТИЁЗЛАР БЎЙИЧА СИЗГА КАФОЛАТ БЕРАДИ:

— Рангли тасвирдаги телевизорларни бир йилда уч марта, қора-оқ тасвирдаги телевизорларни икки марта бепул профилактик кўрикдан ўтказиш;

— телевизорлар синиб қолганда биринчи навбатда бепул техника хизмати ва ремонти, шунингдек ишдан чиққан барча деталларни алмаштириш, шу жумладан кинескопни алмаштириш ишлари бажарилади;

— телевизор ателье устахонасига ва ундан кейин эгасининг уйига транспортда бепул етказиб берилади;

— абонемент хизматида бўлган телевизорларнинг эгалари буюртмаси биринчи навбатда бажарилади.

Қора-оқ тасвирдаги телевизорларнинг абонемент хизмати баҳоси 8 сўм 40 тийиндан 15 сўм 60 тийингача. Экранининг катталигидан қатъий назар; экранининг катталиги 59-61 сантиметр бўлган рангли телевизорнинг бир йиллик абонемент хизмати баҳоси 66 сўм.

ТОШКЕНТ «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Олга, болакайлар!». 10.55 — «Қаерда эдинг, Одессей?». Бадиий фильм, 1-серия. 12.00 — Концерт. 15.30—Ҳужжатли фильмлар. 16.30 «Ватанимиз—СССР». 17.00 — «Халқ оҳанглари». 17.15 — «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». 18.00 — «Жасорат». 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Спорт программаси. 20.10 — «Қаерда эдинг, Одессей?». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30—«Вақт». 22.00 — Фильм-концерт. 22.30 — «Е. Светланов концерти». 4-кўрсатув. 23.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 23.50 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — «Фалсафанинг асосий масаласи». 13.00 — «Бронза қуш». Бадиий фильм, 1-серия. 14.05 — Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси. Бокс. Финал. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — «Ёшлик». 18.45—«Прогресс». 19.15 — «Ахборот». 19.30—«Илҳом». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Т. Дошумова куйлайди. 21.30—«Вақт». 22.00 — «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 — «Ҳеч ким ўлишни истамайди». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00—Болалар учун фильм. 20.25 — «Скрипка куйлари кечаси». 20.55 — Янгиликлар. 21.15 — Ҳужжатли фильмлар. 22.00 — Алиса Фрейндлих. Фильм-портрет.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Санъат усталарининг концерти. 9.30 — Қувноқ тароналар. 10.30 — «Сахий ер». 11.15 — «Депутат ва ҳаёт». 12.00 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Чорвачилик комплекслари — давр талаби». 13.30 — Концерт. 14.00 — «Ипатовликлар методи асосида». 16.10 — «Дирижёрлик пультида». 18.30—«Саломатлик — туман бойлиги». 18.40 — «Ёшлик». 19.40 — «Социализм мамлакатларида». 19.50 — А. Ҳўжаев чалади. 20.25 — Татар куйлари. 21.00 — Концерт. 21.30 — «Иф. тихор» (очерк). 22.28 — Ўзбек халқ куйлари. 23.20 — Мақом кечаси.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/IX Князь Игорь, 15/IX да Анна Каренина, 16/IX да Пиковая дама.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/IX да Олифта, 16/IX да Олифта, 17/IX да Тошкентнинг нозанин маликаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/IX да Кўзингни каттароқ оч, 15/IX да Тинмасин соз, 16/IX да Ҳаммомга бало борми? (19.00).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000 ГСП. Тошкент, Ленин проспекти 41.

ТЕЛЕФОНЛАР редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. ВЎЛИМЛАР партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси— 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-81-42, Қашқадарё — 38-42, Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66; Нашриёт диспетчери — 32-76-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02695. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 211.